

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“ САНЪАТ ВА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ” КАФЕДРАСИ

**5141000- “Муסיқий таълим” таълим йўналиши битирувчи босқич
талабаси Бердиева Шоҳистанинг бакалавр даражасини олиш учун ёзган**

**“Хор бўлиб куйлаш-ўқувчиларда муסיқий маданиятни
шакллантиришни асосий омили” мавзусидаги**

Б И Т И Р У В М А Л А К А В И Й И Ш И

Илмий раҳбар:

ўқитувчи Ибрагимова Наргиза

Гулистон – 2012 й.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

I-БОБ Хор бўлиб куйлаш - ўқувчиларда муסיкий маданиятни шакллантиришнинг тарихий ва назарий омиллари

1.1. Хор бўлиб куйлаш воситасида ўқувчиларда муסיкий маданиятини шакллантиришнинг педагогик ва психологик хусусиятлари.

1.2. Ўқувчиларда муסיкий маданиятни шакллантиришда хор бўлиб куйлашнинг муҳим шартлари.

II-БОБ Хор бўлиб куйлаш-ўқувчиларда муסיкий маданиятни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари.

2.1. Хор бўлиб куйлашда ўқувчиларда муסיкий маданиятни шакллантиришнинг имконияти, шакл ва услублари

2.2. Синфдан ва мактабдан ташқари муסיкий тадбирларда хор бўлиб куйлаш-ўқувчиларда муסיкий маданиятнинг шаклланишида ёрдамчи восита сифатида.нинг аҳамияти

Хулоса ва амалий тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги: Юртимиз Мустақилликка эришганидан сўнгги тарихан қисқа давр ичида, таълим соҳасида оламшумул ўзгаришлар ва ютуқлар қўлга киритилди. Булар ичида биз учун энг муҳими республикамизда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва Таълим тўғрисидаги қонун” нинг яратилиши ва ҳаётга тадбиқ этилиши бўлди. Таълим ва тарбияга қаратилган бундай улкан диққат эътиборнинг аҳамияти ўлароқ, жаҳонда ягона бўлган таълим-тарбиянинг ўзбек модели ишлаб чиқилди. Бу соҳада барча фанлар қатори мусиқа маданияти ва санъати фанини ўқитиш услубларини замон ва макон талаблари асосида такомиллаштириш ва ривожлантириш масалалари кўрсатиб берилди.

Мамлакатимизни жаҳон ареналарида доврўғини янада кенг ёйилишида барча соҳалар каби мусиқа санъатининг ўрни ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан: Самарқандда ўтказилиб келинаётган ва жаҳон мусиқа санъати намоёндаларининг анъанасига айланган. “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали, турли халқаро мусиқа фестиваллар Республикамизнинг истеъдодли ёшларидан таркиб топган “Ўзбегим ёшлари” ансамбли каби мисоллар келтиришнинг ўзи етарлидир.

Мустақиллик байрамларимиз, “Наврўз” умумхалқ байрами муносабатлари билан ташкил этилаётган катта байрам концертларини таърифлашга тил ожизлик қилади. Ушбу байрамларимизни, Ўзбекистон марказий телевиденияси орқали жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига трансляция қилинмоқда ва ер юзининг миллионлаб одамлари бундан баҳрамандлар. Ушбу байрам тадбирларда Давлатимиз Раҳбари И. А. Каримовнинг бевосита иштирок этиши, унда қилинган маърузаларда юртимизда мусиқа санъатига бўлган беқиёс диққат эътиборнинг улкан намунаси акс этаётганини чексиз ифтихор ва ғурур билан эслаш мумкин.

Кўхна замонлардан бери тўй-маросимларда ижро этиладиган ёр-ёрлар, яллалар, лапарлар жамоа бўлиб ижро этилган. Ушбу анъанавий маросим кўшиқлари эркаклар ва аёллар томонидан унисон, яъни бир овозли ижро этилган. Ўзбек халқининг ана шундай анъанавий фольклор кўшиқлари ва уларнинг азалдан жамоа бўлиб ижро этилиши келгусида ўзбек халқи орасида хор хаваскорлигининг, қолаверса, хор санъатининг ривожланишига замин бўлди. Кейинги йиллар давомида республикамызда болалар хори ҳам кенг ривожланди. Ҳар йили ўтказилган анъанавий “Санъат байрами” кўрик танлови мусиқа ва умумтаълим мактабларининг кўпдан-кўп хор жамоаларини жалб қилди.

Республикамызда иқтидорли ва истеъдодли ёшларга барча жабҳаларда кенг имкониятлар яратилди ва яратилмоқда. Ушбу имкониятлардан яна бири, Президентимиз И. А. Каримов томонидан “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2004 йилларга мулжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008-йил 7-январдаги фармойиши яққол далилдир. Ушбу фармойиш мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятини юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда мусиқий таълимни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соҳа педагог ва мутахассисларининг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида амалга оширилиши зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқилишини ўз ичига олади. Бу борада болалар мусиқа ва санъат мактабларини замонавий ўқув ва мусиқа анжомлари билан таъминлашни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш айтилиши муддао бўлди.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, соҳа учун ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта

тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, уларни меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтиришдек вазифаларни кўзланган ушбу фармойиш соҳада фаолият кўрсатаётган ҳар бир мутахассисни янада самарали меҳнат қилишга, иқтидорли ва истеъдодли болаларни излаб топиш, уларни фармойишда назарда тутилганидек тарбиялаб истеъдодларни ривожлантиришга ундайди.

Болалар ва катталар қўшиқ айтишни, концертларда чиқишни ҳавас қилишади, ўз қобилиятларини халқ ҳукмига ҳавола этишни хоҳлашади. Мусиқа ёш авлодни фикрини уйғотиш, эстетик туйғуларни тарбиялаш, уларни гўзаллик дунёсига олиб киришда ёрдам беради. Хорда ашула айтиш хонандаларга, айниқса болаларга оммавий мусиқий таълим бериш учун жиддий асос бўла олади.

Бизнинг озод ва обод диёримизда ҳар бир бола, у кейинчалик қайси касбни танлашидан қатъий назар, мусиқа санъатини ўрганиши ва ундан атрофлича бохабар бўлиши зарур. Мусиқа оҳанглари ҳаётимизни нафақат безайди, айти пайтда унга байрамона кайфият бахш этади. Шундай мусиқа асарлари ҳам борки, ҳаётни янада тантанавор, хушчанликка, гўзаллаштиришга, бойитишга ва яхшилашга хизмат қилади.

Ушбу соҳа бўйича иш олиб бораётган муаллифлар услубиётчилар, илмий тадқиқотчилар мазкур мавзунинг маълум қирраларини очиб беришга ҳаракат қилганлар. Республикада кўзга кўринган мусиқа мутахассислари Е.Гудкова, Н.Қозиев, Ш.Ёрматов, Ж.Шукуров, Н.Шарафиева, Қ.Мирзаев, Г.Мансурова, Д.Каримова, Г.Шариповалар мазкур муаммо бўйича иш олиб боришган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, биз битирув малакавий ишимизнинг мавзусини “Хор бўлиб куйлаш-ўқувчиларда мусиқий маданиятни шакллантиришни асосий омили ” деб номладик.

Тадқиқот мақсади: Хор бўлиб куйлаш-ўқувчиларда мусиқий маданиятни шакллантиришнинг самардорлигини ошириш.

Тадқиқот объекти: умумтаълим мактаби “Муסיқа маданияти” дарслари.

Тадқиқот предмети: Хор бўлиб куйлашда ўқувчиларда муסיқий маданиятини шакллантиришнинг самардорлигини ошириш жараёни.

Тадқиқот вазифалари:

1. Тадқиқотга оид манбалар билан танишиш.
2. Хор бўлиб куйлашда ўқувчиларнинг муסיқий маданиятини ривожлантириш учун самарали усулларни яратиш.
3. Мақсадга мувофиқ ҳаётга татбиқ этиш.
4. Синов- тажриба ишларини олиб бориш.

Тадқиқот методлари:

1. Илмий ва педагогик адабиётларни таҳлил қилиш.
2. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш.
3. Тажриба-синов ишларини олиб бориш.
4. Мақсадга мувофиқ педагогик кузатишлар олиб бориш.

Тадқиқотнинг методологик асосини: Муסיқий тарбия ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳужжатлари, Республика Президенти И.А.Каримовнинг билдирган фикрлари, Олий кенгаш, таълим вазирлиги томонидан чиқарилган буйруқ ва қарорлари, буюк алломаларнинг муסיқий тарбия ҳақидаги фикрлари.

Тадқиқотнинг янгилиги: Хор бўлиб куйлаш жараёнида ўқувчиларнинг муסיқий маданиятини ривожлантириш зарурлиги исботланган, ўқувчиларнинг муסיқий маданиятини шакллантиришга оид педагогик тавсияномалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг маънавий аҳамияти: Хор бўлиб куйлашда ўқувчиларнинг муסיқий маданиятини шакллантириш самардорлигини оширишнинг йўллари асосланган. Тадқиқот натижаларидан умумтаълим мактабларининг муסיқа ўқитувчилари ўз амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Битирув малакавий иш кириш, 2 та боб, 4 та параграф, хулоса ва фойдаланилаган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб,..... саҳифани ташкил этади.

I-БОБ Хор бўлиб куйлаш - ўқувчиларда муסיкий маданиятни шакллантиришнинг тарихий ва назарий омиллари

1.1. Хор бўлиб куйлаш воситасида ўқувчиларда муסיкий маданиятини шакллантиришнинг педагогик ва психологик хусусиятлари.

Инсон ҳаётида, унинг улғайиши ва шахс сифатида шаклланиб боришида муסיкий тарбиянинг роли биниҳоят катта бўлиб, у инсон туғилгандан, яъни, гўдаклик даврида айтиладиган она алласидан то умрининг охирги кунларигача инсон билан ёнма-ён, шодлигу-хурсандчилик, қайғу-ғам, осойишта дамларини ҳам инсон муסיқа билан баҳам кўради, у билан дардлашади, сирлашади.

Хор санъати маданий ҳаётимизда кенг ўринни тутган, инсон шахсиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этадиган санъат туридир. Муסיқа тарбияси эса, нафосат тарбиясининг асосий ва мураккаб қирраларидан биридир, у атрофдаги гўзал нарсаларни тўғри идрок этишга ва қадрлашга ўргатади.

Умумтаълим мактабларида бошланғич муסיқа таълими асосини ашула хор ижрочилиги ташкил килади. Муסיқали бадий образлар орқали жонли ижодий мулоқот билан ашула хор ижрочилигининг ўрни алоҳидадир. Ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини оширишда бошқа биронта дарс шакли ашула-хор ижрочилигининг олдида тушолмайди. Мана шу ўзининг бадий образли тарбиявий кучи билан ашула-хор таълими мактабнинг умумтарбиявий ишида ўз мавқеига молик ўринда туриш керак. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, ашула –хор ижрочилигининг баркамоллиги ўқувчиларнинг умумий муסיқа маданиятига, бадий дидига, муסיқа эшитиш кўникмаларига ва муסיкий саводхонлигига боғлиқ бўлади.

Бошланғич таълимнинг бу масалалари бевосита мусиқа адабиётини, мусиқа саводини ҳам ашула-хор ижрочилиги маҳоратини изчил ўрганиш билан ечилиб борилади.

Ашула–хор ижрочилиги маданиятига ўқувчилар куйлаш малакалари орқали эришадилар.

Ашула-хор ижрочилиги таълим ижрочилик санъати бўлгани учун ҳам ўқитувчи ўз олдига, ўқувчилар тўғри куйлаш малакасини шакллантиришни, мақсад қилиб қўйиши лозим ва шуларнинг барчаси муштараклигига умумий мусиқа маданиятига эга булган баркамол шахсларни тарбиялаб бориши зарур.

Ашула –хор мусиқа таълимининг куйидаги ажралмас таркибларини ҳар бир мусиқа муаллими пухта билиши ва амалда татбиқ этиши жоиздир:

Биринчи шуни қайд этиб ўтиш зарурки, куйлаш кўникмалари асосий ўқув ишларини асосини ташкил этмасада, ашула-хор малакаларинининг ажралмас қисми сифатида уни назардан қочирмаслик керак, чунки куйлаш кўникмаларисиз хор ижрочилигида муваффақият қозониб бўлмайди.

Ўқувчиларга куйлаш кўникмалари хусусида қўйиладиган тингловчилар синфидаги ашула дарси жараёнида ҳам, синфдан ташқари хор тўгаракларида ҳам бир хил булиши керак.

Дарс машғулотининг бошидаёқ ўқитувчи ўқувчиларга куйлаш ҳолати ҳақида тушунча бериб, гавда ва бошни тўғри тутишни айтиши, вужуд мушакларининг таранглашиши ва бўшаши, елканинг букилиши, тиззаларнинг букилиши ва бошқа нотўғри ҳолатлар ижрога салбий таъсир қилишини тушунтириб қўйиши керак.

Мусиқа маданияти дарсларида хор бўлиб куйлашнинг мақсад ва вазифалари, олдинги синфларда олган билим ва малакаларини даражасига асосланиб белгиланди. Хор бўлиб куйлашда амалга оширилиши лозим бўлган мақсадлар, мусиқа тарбиясининг бош мезони – ўқувчиларнинг маънавий бойлигининг таркибий қисми бўлган мусиқавий маданиятини

шакллантиришга қаратилади. Мазкур мақсадларни қуйидагича амалга ошириш белгиланади:

1. Жамоа бўлиб куйлаш фаолиятлари воситасида доимий равишда ўқувчиларнинг мусиқавий иқтидорини ривожлантириб бориш.

2. Вокал-хор малакаларини ривожлантириб, якка жамоа бўлиб куйлаш, икки овозли куйлашга ўргатиш.

3. Мусиқа идрокини ривожлантириш ва асарларни тузилиши, шакли, лади, темпи, муаллифлари ҳақида фикр юритишга ўргатиш.

4. Мусиқа саводидан, оддий мусиқа терминларини ва атамаларини моҳиятини мусиқа амалиётида билиш ва ҳар бир хор асарида куйлаб бориш.

Дарсда хор бўлиб куйлаш мазмунини ҳаёт билан боғлаб олиб бориш зарур. Қўшиқ ўргатиш ва мусиқа тинглаш жараёнида асарлардан парчалар куйлаб овозларини созлаши болаларда қизиқиш уйғотади. Бунда ижро услубларини батафсил тушунтириш лозим. Асарларни таҳлил этишда болаларни актив қатнаштириш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир халқнинг ўз миллий мусиқа санъати мавжудлиги, мусиқа ҳар бир тарихий даврнинг бадиий акси эканлиги ҳақида болаларда аниқ тушунча ҳосил қилиши лозим.

Мусиқа саводидан ўлчовлар, ладлар, тон ва ярим тон, альтерация белгилари, динамик белгилари, интерваллар, репризалар билан таништириб хор асарларини таҳлил қилиш яхши натижа беради. Юқори синфларда ўқувчиларга қўшиқларни икки овозлик қилиб ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу пайтда, мутация даври бошланади. Мутация давридан олдин ўғил ва қиз болалар овози ўртасидаги фарқ унча сезилмайди. Мутация пайтида қўшиқ ўргатиш ўқитувчидан катта масъулиятни талаб этади. Хор асарлари болаларнинг овоз имкониятларига мос тушиши ва дарс давомида уларнинг овозларини асраб авайлаш ишларига ёрдам бериши лозим. Дарснинг асосий қисмини ашула айтишга сарф этиб, овозларини чарчатмаслик керак. Ўқувчиларни икки овозга ажратиб қўшиқларни икки овозлик қилиб, уларнинг овозларига мослаш овоз тарбиясининг муҳим воситасидир. Хор бўлиб куйлаш, мусиқа саводи, мусиқа тинглаш фаолиятлари, асарларни

таҳлил қилишда мавзулар асосида мантиқан боғланади. Янги дастур асосида йил мавзуси чорак мавзуси ва дарс мавзуси бир-бири билан боғланади.

Хорда яхши созга, соф интонацияга ва ансамблга эришишдан қатъий назар, унда нюанслар, динамика ва жумлалаш каби ижро воситалари етишмаса, унинг ижроси жонли, эмоционал, қизиқарли бўлмайди, хорда олиб бориладиган барча ишлар бадий-ифодали ижро билан чамбарчас боғлиқ бўлиши зарур.

Ижодий муҳит ўқитувчи ва болалар хор жамоасининг ҳамкорлигида яратилади. Ижодий ишни, интизомни йўлга қўйишда, олдинга қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчининг мустаҳкам иродаси ва талабчанлиги муҳим роль ўйнайди. Болалар куйлаш сифати ҳамда ўзларининг маҳоратларига боғлиқ бўлса, ўқитувчи кўплаб бир-биридан фарқ қилувчи овозлар билан ишлайди. У ўз олдида турган хор ижрочиларини бир жамоада тўплаб, уларни шундай бирлаштириши керакки, бу болалар хор жамоаси унинг бошқарувида худди яхши созланган мусиқа чолғусидек янграши лозим. У ўқувчиларнинг характерларини билиши, улар билан муносабатга киришганда индивидуал йўл тутиши, олдинга қўйилган вазифаларни бажаришда ҳаммага бир хил талаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Ўсмир ёшдаги болалар учун хорда куйлаш ниҳоятда завқли ва унда ўқувчилар бошқа ўқув предметларидаги чарчоқни сезмай қоладилар. Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мусиқа дарсларида болаларнинг вақтини бошқа фаолият турлари билан кўпроқ машғул бўлиш ҳоллари ҳам учрайди. Бу эса ўқувчилар жамоа бўлиб куйлашдек завқ бера олмайди.

Шунингдек, хорда куйлаганда ўқувчиларга хордан ташқари кўп танбех бериш, уларни куйлашдан тўхтатавериш ҳам уларни ранжитиб қўядилар. Синфдаги барча ўқувчилар ҳам бирдай куйлаш қобилиятига эга эмасликларини ҳис қилган ҳолда улар томонидан йўл қуйиладиган айрим камчиликлардан норози бўлавериш ҳам ярамайди.

Вокал–хор жамоасининг самарали ишлаш шартларидан бири малакали раҳбарга эга бўлишдир. Амалда бирор бир вокал–хор жамоа йўқки, ўз

ишининг яхши биладиган раҳбарсиз катта ютуқларга эришган бўлса. Вокал–хор раҳбари вокал–хор жамоаси фаолиятининг ташкилотчисидир. Вокал–хор жамоаси раҳбари олдида кўпгина муҳим вазифалар мавжудки, у куйидагиларга эга бўлгандагина мазкур вазифаларни бажара олиши мумкин:

1. Вокал–хор раҳбари ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиб, мамлакатимиз ижтимоий – сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши лозим.

2. Вокал–хор раҳбари қатнашчиларнинг ёши, характери, ривожланиши ва қизиқишлари турлича бўлган ҳаваскорларда ижрочи жамоа шакллантира оладиган доно ва сезгир тарбиячи–педагог бўлиши талаб этилади.

3. Вокал–хор раҳбари ҳар томонлама маълумотли ҳамда иқтидорли мутахассис бўлиши лозим. Чунки, у вокал–хор қатнашчиларида мустақил фикрлашни, бадиий–эстетик қизиқишларни ҳамда мусиқавий дидни тарбиялайди.

4. Вокал–хор раҳбари мусиқа назариясини яхши билиши керак. Зеро, у хор жамоаси ўртасида ўқув ишларини ташкил қилади.

5. Вокал–хор раҳбари вокал услубиёти жиҳатидан пухта малакага эга бўлиши талаб этилади. Хорга ашула айтиш бўйича ҳеч қандай тажрибага эга бўлмаган қатнашувчиларнинг келиши назарда тутилса, вокал–хор раҳбарининг маъсулияти янада ошади. У тажрибасиз хонандалар учун ўқитувчи вазифасини ўтайди ва уларга тўғри ашула айтиш тажрибасига эга бўлиш учун ёрдам беради.

6. Вокал–хор раҳбари зарур даражадаги мусиқавий ва бадиий маданиятга эга бўлиши керак. У ўзлаштираётган асарнинг ғоявий – бадиий мазмунига чуқур кира олиши, таъсирчан ижро воситаларини қидириб топиши лозим. Асарни шу даражада тайёрлаш лозимки, токи унинг ижроси кишиларда чуқур таассурот қолдирсин.

7. Вокал–хор раҳбари хорда куйлаш услубиёти юзасидан зарурий билимга эга бўлиши керак. У ўзига нотаниш бўлган асарни мустақил ўзлаштириши ва ижрони тўғри ўргатилишини ташкил эта билиши лозим.

8. Вокал–хор раҳбари ўз вокал жамоаси билан концертларда иштирок этганда дирижёрлик вазифасини бажаради. Шу туфайли у дирижёрлик ҳаракатларини ҳам яхши билиши лозим.

У малакали мутахассис бўлиши билан бир қаторда ўз касбини севиши, меҳнатсеварлиги ва иродалиги билан кўзга ташланиб туриши лозим. Баъзи муваффақиятсизликлардан руҳан тушмаслиги керак, аксинча тўғри хулоса чиқариб, жамоани ижодий йўналтирмоқ раҳбарнинг асосий вазифаларидан биридир. Раҳбарнинг нафақат вокал хор иштирокчилари олдида, шунингдек, жамоат ташкилотлари, институт, билим юртлари, мактаб ва маданий муассасалар маъмурияти олдида ҳам ҳурмат-эътиборга, обрўга эга бўлиши катта аҳамиятга моликдир. Вокал хор раҳбари ўзига талабчан инсон бўлиши, эришилган муваффақиятлар билан кифояланиб қолмаслиги керак. Айни пайтда, у ўзи йўл қўйган камчилик ва хатоларни вақтида англаб етиши, уларга тўғри баҳо бера олиши лозим. Одатда вокал-хор иштирокчиси ўз раҳбарига қизиқиш билан етук инсон сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам у доимо ўз малакасини ошириб, маданий ва маърифий-сиёсий дунёқарашини кенгайтириб бориши лозим. Шундай қилиб, вокал-хор жамоа раҳбари яхши ташкилотчи, тарбиячи, фаол жамоатчи, ўз ишини яхши кўрадиган малакали мутахассис бўлиши керак.

Амалда вокал-хор жамоасига алоқаси бўлмаган жамоатчи-раҳбарлар ҳам учрайди. Бундай ҳол уларга нисбатан талабчанликни асло инкор қилмайди. Зеро, жамоатчи-раҳбарнинг билимсизлиги вокал-хор иштирокчиларининг кўнглини совутади, жамоани тарқаб кетишига олиб келади. Агар жамоада ана шундай кайфият туғилган бўлса, бунинг учун жамоатчи-раҳбар эмас, балки, аввало унга мана шундай маъсул ишни ишонган киши айбдор бўлади.

Вокал-хор жамоада ижодий муҳит яратилиши учун ғамхўрлик қилиш лозим. У ўзини жамоага қарама-қарши қўймаслиги керак, зеро вокал-хор раҳбари жамоа иродасини ифода этувчи шахс сифатида намоён бўлади. Жамоа раҳбари вокал–хор иштирокчиларига нисбатан талабчан бўлиши,

жамоа фаолиятини сусайишига сабабчи бўлган кўринишларга нисбатан лоқайд бўлмаслиги лозим. У ўзини тутта билиши, вокал-хор иштирокчиларидан бирортаси тартибни бузадиган бўлса, унга қизишмасдан тушунтириши лозим, кўполлик раҳбар ахлоқи учун бутунлай ёт нарсас. Раҳбар ҳар бир вокал-хор иштирокчиси учун доно устоз бўлиб қолиши, уларнинг қобилиятларидан қатъи назар бир хил муносабатда бўлиши керак. Ҳар бир вокал-хор қатнашчиси ўзини жамоанинг тенг ҳуқуқли аъзоси деб билиши керак. Уларда фаолликни тарбиялаш жуда зарур. Раҳбар жамоада ишни янада яхшилашга йўналтирилган ўртоқларча танқид ва ўз-ўзини танқиднинг мавжудлигини таъминлаши керак. Раҳбар вокал-хор қатнашчилари ўртасида нафақат малакали мутахассис сифатида, айти пайтда, инсон сифатида обрў қозонгандагина улар орасида яхши муносабатлар ўрнатилади. Шунинг учун, раҳбар хор қатнашчиларининг бир-бири билан ўзаро дўст бўлишлари учун ҳам ғамхўрлик қилиши керак.

Хорга хос бир қатор муҳим элементлар мавжудки, бу специфик хусусиятларга амал қилиш ўқувчиларнинг куйлаш малакаларига профессионализмлик кирита олади.

Профессор П.Чесноковнинг таъбири билан айтганда хорда агар уч муҳим элемент бўлмаса, бундай томонни хор деб аташ нотўғри бўлади.

Булардан бири - бу хорнинг созидир. Соз - бу куйлаш жараёнида учрайдиган барча интервал ва аккордларнинг тўғри талаффуз қилинишидан иборатдир. Мусиқа назариясидан маълумки - интерваллар товушлари бирин-кетин келадиган мелодик интерваллар ва бир пайтда талаффуз қилинадиган гармоник интерваллардан иборат бўлади.

Ўзбек мусиқий бисотига оид кўплаб материаллар асосан мелодик тарздаги интерваллар қўшилмасидан ташкил топган, хусусан фольклор кўшиқлари, маросим кўшиқлари, турли халқ анъаналарида куйланадиган кўшиқлар ҳам хатто халқимизнинг нодир асарлари бўлган оғзаки анъанадаги йирик цикллардан ташкил топган мақомлар ҳам асосан мелодик тарздаги интерваллардан иборатдир.

Барча инсонлар сингари болалар овози ҳам ҳар доим бирдай кўшилавермайди. Кўпинча бу ўқувчиларнинг кайфиятига, саломатлигига ва ўқувчига ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам маълум бир нотани куйлаганларида бириси сезилар-сезилмас даражада пастроқ, баъзиси баландроқ ва баъзиси барқарор куйлайдилар. Бунда талаффузлар мажмуиси табиий соз дейилади. Фортепианода маълум агарда жаранглайдиган нотага эга пасайтиришга ҳам, юқорилатишга ҳам мойиллик кўрсатмайди. Шунинг учун ҳам бу чолғу асбобининг созини текис соз деб юритилади.

Болалар овози ҳам катталар сингари табиий созга эга бўлганлиги учун интерваллар талаффузида баъзи камчиликлар мавжуд бўлади.

Кўп йиллик тажрибага эга бўлган хор мутахассислари интервалларни тўғри талаффуз қилиш учун айрим интонацион хусусиятлардан фойдаланиш зарурлигини исботлаганлар.

Куйлаш жараёнида интервалларни бу қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда уларнинг аниқ талаффузига эришиш мумкин бўлишини исботлашган.

Мелодик интервалларни тўғри куйлаш учун уларнинг босқичларини куйидагича куйлаш тавсия этилади:

1. Барча соф интерваллар соф-1, соф-4, соф-квинта ва соф-октаваларнинг ҳар икки босқичини (яъни пастга ва юқорига ноталарини) барқарор куйлаш лозим.

2. Барча кичик интерваллар кичик-2, кичик-3, кичик-6, кичик-7 интервалларнинг 1-босқичи барқарор, иккинчи босқичи эса пасайтириш, яъни паст томонга интиштириб куйланади.

3. Барча катта интерваллар катта-2, катта-3, катта-6 ва катта-7 интервалларининг 1-босқичи барқарор ва 2-босқичлари эса юқорилатиш йўли билан куйланади. Мажор ва минор гаммалари ҳам асосан юқоридаги қонун-қоидалардан келиб чиққан ҳолда куйланади.

Хорга хос муҳим элементлардан бири бу ансамбль бўлиб, у француз тилидан олинган ва барча хор қатнашчиларининг биргаликда, ҳамжиҳат куйлашларини тақозо этади.

1.2. Ўқувчиларда мусиқий маданиятни шакллантиришда хор бўлиб куйлашнинг муҳим шартлари.

Ўзбекистон республикасининг “ Таълим тўғрисидаги” Қонуни ҳамда “ Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талаблари асосида фаолият юритишда бугунги кун ўқитувчиси ҳар жиҳатдан мукамал касбий салоҳиятга эга бўлмоғи даркор. Шу ўринда барча фанлар катри мусика дарсларига ҳам алоҳида аҳамият қаратиладики, бу ўқитувчи зиммасига янада кўпроқ маъсулият юклайди. Ўша маъсулиятни адо этишда тинмай изланиш ўқиб-ўрганиш талаб этилади.

Болаларни мусиқий ўқувини ижодий ривожлантиришда айниқса, вокал-хор ишларининг аҳамияти катта. Бунда ўқувчиларни куйлашга қизиқтира олиш кўп жиҳатдан ўрганадиган ҳар бир машқ ёки қўшиқ ўқитувчи томонидан чиройли қилиб куйлаб беришга боғлиқ. Чунки ёш болалар билан олиб бориладиган вокал-хор иши кўпинча ўқитувчи овозига тақлид қилиб куйлашга асосланади. Шунинг учун ўқитувчи ёқимли овози устида мунтазам иш олиб бориши керак. Вокал-хор ишларини амалга оширишда ўқитувчи овоз созлаш, қўшиқ ўргатиш жараёнида бошланғич синф ўқувчиларнинг овоз диапазони ($до_1-до_2$), ишчи диапазони ($ми_1-фа_1-соль_1$) прима товушларида куйлаш учун қулай бўлган ($соль_1-ля_1$), товушларини аниқ билиши лозим.

Мусиқа маданияти дарсларида қўшиқ ўргатиш бир неча босқич жараёнида амалга оширилади:

1. Болалар диққатини қўшиққа жалб қилиш.
2. Қўшиқ ҳақида ўқитувчининг кириш сўзи (қўшиқ муаллифлари, асарининг мазмуни, тарихий хусусиятлари ҳақида қисқача хикоя қилиш).
3. Қўшиқни таҳлил қилиниши (мусиқа ифода воситалари, лади, характери мазмунини суҳбат йўли билан белгилаш).

4. Қўшиқни мусиқий жумлаларга бўлиб ўргатиш (тўғри нафас олиб, жумлани охиригача тежаб етказиш, ижрочилик сифатлари устида ишлаш).

5. Қўшиқни бадий ижросига эришиш (қўшиқ ҳақидаги болалар таассуротлари юзасидан қисқа суҳбат ўтказиш яъни умумлаштириш).

Хор бўлиб куйлаш мураккаб психологик-физиологик жараён ҳисобланади. Мусиқа маданияти дарсларида вокал-хор ишлари, ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбияси ўқитишнинг энг фаол шаклидир. Хор бўлиб қўшиқ куйлаш ўқувчиларнинг диққат эътиборини кучайтиради, хотираси, нутқи ривожланиради, овоз диапозони кенгайтиради, мусиқий ўқувини ўстиради, мутация даври енгил ўтади, дунёқараши йилдан-йилга шаклланиб боради. Вокал-хор малакалари мусиқа дарсида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, хор машғулотларида ўқувчиларнинг диққат-эътибори, онглилиги ва активлиги ошади, мусиқий хотираси яхши ривожланади ва ўрганган қўшиқларини ижро этганда, завқланиш ҳисси пайдо бўлади. қўшиқ куйлаганда, ижодий ижрочилик ҳамкорлиги кучаяди ва дўстона жамоага бирлашади.

Хор бўлиб куйлаш малакалари ёрдамида ўқувчилар, қўшиқни сўз маъноси ва мусиқа оҳангини чуқур идрок этадилар ва асарни мазмуни орқали ҳаётни ўрганадилар. Юқорида баён этилган натижаларга эришиш учун куйидаги вокал-хор малакаларини шакллантириб бориш ва хор бўлиб куйлаганда бунга қаттиқ риоя қилиш шарт. Чунки айнан вокал-хор малакалари воситаси билангина ёқимли ва оҳангдош, соф хор жарангдорлигига эришиш мумкин.

Вокал-хор малакалари 6 (олти) турга бўлинади:

1. Дарсда қўшиқ куйлаш ҳолати
2. Ашулачилик нафаси
3. Овоз ҳосил қилиш
4. Созланиш
5. Ансамбль
6. Талаффуз.

Қўшиқ куйлаш ҳолати деганда дарсда ўқувчиларнинг ўтириши ва туриш ҳолати назарда тутилади. Ўтириб ёки туриб куйлаганда бош, қўл ва оёқларни қандай тутиш лозимлиги ҳақида ўқувчиларга тушунтириш ва доимо назорат қилиб, эслатиб туришдан иборатдир. Мазкур малаканинг коидалари гавдани қийшайтирмасдан тўғри туриш, ўтириб куйлаганда парта суянчиғига суянмасдан, елкаларни енгил кериб, иякни ортикча кўтармасдан, бўйин ва бошни тўғри ушлаш, қўлларни эркин пастга тушириш ва кафтларни тиззалар устига енгил қўйиб энгашмасдан ўтириш ва оёқларни елка кенглигида эркин куйлаш каби ҳолатлардан иборатдир.

Ашулачилик нафаси. Маълумки куйлашдаги нафас билан физиологик нафас ўртасида маълум даражада фарқ бор. Физиологик нафас бола туғилган кундан табиий ҳолда ҳаётининг охиригача амал қила бошлайди ва аниқ бир ритмдан маълум бир вақт оралиғида содир бўлади. Ашула айтишдаги нафас эса қўшиқ характериға қараб, тез, қисқа вақт оралиғида содир бўлади. Нафас олиш ва уни чиқариш қўшиқ жумласининг чўзимиға, суръатиға ва характерининг ифодаланишиға қараб чўзилади. Сунъий нафасдан актёрлар, суҳандонлар ва қўшиқчилар фойдаланадилар. Шунингдек, сунъий яъни эҳтиёжға қараб олинадиган нафас, ашулачилик нафаси дейилади.

Ашулачилик нафасининг қуйидаги турлари мавжуд:

кўкрак нафаси;

диаффрагма нафаси;

қорин нафаси.

Кичик болаларнинг кўкрак нафаси ҳали тор, қисқа эканлиги сабабли, улар нафасни кўкрак билан оладилар, шу боис ашула айтганларида елкаларини кўтариб, шошилиб ва қўшиқ жумласини, сўзини бўлиб нафас олишлари табиийдир. Шунинг учун болаларнинг елкаларни кўтармасдан, осойишта, вазмин нафас олиши ва уни қўшиқ жумласининг охириға қадар бир маромда етказиш, айниқса сўзни бўлиб нафас олмасликни ўргатиб бориши лозим. Нафас олиш малакасини устида ишлаш жараёнида болалар

диққатини овозларнинг куйчан, равон, ёқимли жаранглашига жалб этилади. Бунинг учун гулни ҳидлагандек осойишта ва шовқинсиз нафас олишга ўргатилади. Ана шу малакани амалга оширишда дарсликларда, кўлланмаларда тавсия этилган вокал-хор машқларини куйлаш, болалар хорларида ижро этилган кўшиқларни магнит тасмалари орқали тинглаш каби амалий машғулотларда шакллантириб борилади.

Болалар машқ ва кўшиқларни куйлаганда ўқитувчининг кўл ишораларга караб нафас олишга ва уни тежаб, расамати билан жумла охиригача етказишга одатланиб боришади. Айниқса, дирижёрлик ҳолатлари «диққат», «ауф», «ижрони бошлаш», «ижрони тугатиш»ларга риоя этиб куйлашга ўргатиш нафасини режага солиш учун муҳимдир. Болалар нафасининг ҳажми имкониятларини ҳисобга олган ҳолда машқ ва кўшиқларда нафас олиш жойлари олдиндан белгилаб қўйилади ва уларни ўргатиш жараёнида амалга оширади.

Овоз ҳосил қилиш. Овозни вужудга келиши мураккаб психологик, физиологик жараёндир. У овоз аппарати (кекирдак, ҳиқилдоқ) ва унинг ичидаги конуссимон иккита овоз пардасининг нафас (ўпка, трахеялар, кўкрак қисми) ва эшитув аппаратларининг биргаликдаги амалиётида ҳосил бўлади. Томоқда ҳосил бўлган товуш кучсиз ва хишиллаб, садоланиб чиқади, унинг нутқ аппарати айниқса бурун бўшлиғи орқали тебраниши кучаяди ва ўзига хос тембр ва жарангдорлик хусусиятига эга бўлади. Тўрт орган – нафас, овоз, нутқ ва эшитув аппаратининг ўзаро фаолиятидаги мусикий охангга қўйиладиган овоз-ашулачилик овози деб аталади.

1-синфда ўқувчиларнинг овозни зўриқтирмасдан куйлатиш учун ашула айтиши примар ($\text{соль}_1\text{-ля}_1$) бўлади, ишчи диапазони ($\text{ми}_1\text{-си}_1$). Умумий диапазон ($\text{ре}_1\text{-до}_2$) бўлиб, бунга меъёрида амал қилиш лозим.

Болалар бош резанаторига асосланган фальцетга яқин овозда куйлайдилар.

Болаларни куйлатганда фақат юмшоқ аттака билан бошлаш лозим, ҳеч қачон қўшиқни қаттиқ аттака билан бошламаслик керак. Буни ўқитувчи назорат қилиб бориши шарт.

Созланиш. Соз ҳар бир боланинг берилган мусиқа товушини аниқ идрок этиб, ўз овозини унга мослаб куйлаши, сақланиши деган маънони англатади. Бошқача қилиб айтганда, созланиш – маълум баландликдаги товушни аниқ интонация куйлаш демакдир. Бу муҳим малака бўлиб ҳисобланади, чунки бошланғич синфдаги вокал-хор ишларининг асосий мақсадларидан бири соф унисон (соф бир овозда куйлашга) эришишдан иборатдир. Шунинг учун биринчи дарсдан бошлаб болаларда созланиш малакаларини ривожлантириш устида системали иш борилади. Айниқса, мусиқа ўқуви суст ривожаланаётган болаларга эътибор кучайтирилади. Уларни ўқитувчи овозига чолғу асбоблардан соз учун берилаётган товушга ва иқтидорли болалар овозига қўшилишга ва товуш баландлиги билан баробарлашишга, яъни тенглашишга даъват этилади ва интонацион соф созга эришилади ва бир ҳил баландликда куйланадиган машқлар орқали амалга оширилади.

Ансамбль. Ансамбль – французча сўз бўлиб, биргаликда деган маънони англатади. У мусиқа, балет, архитектура санъатларининг қонуниятларидан биридир. Мусиқада бир неча ижрочиларнинг биргаликдаги ижроси ансамбль дейилади. Масалан: ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли, рақс ансамбли, вокал ансамбли ва бошқалар. Хорда эса барча хонандаларнинг соз бирлиги, ижро темпи, ритм-усул ва динамик уйғунлиги вокал-хор ансамбли дейилади.

Ансамбль хусусий ва умумий турларга бўлинади. Хордаги барча ижрочиларнинг бир овозга созланиб, ҳамма бир куйда ансамбль бўлиб, икки ёки уч овозда куйлаши умумий ансамбль дейилади. Ҳар бир овозни алоҳида-алоҳида сози ва ансамбли хусусий ансамбль дейилади. Соз ва ансамблни уйғунлиги узоқ иш жараёнини талаб этади ва шундагина олдимизга асосий мақсад қўйилган соф унисонга эришиш мумкин.

Талаффуз. Куйлашдаги талаффуз нутқ талаффузидан фарқ қилади. Куйлашдаги талаффуз артикуляция органлари (лаб, тил, жағ) нинг фаол

ҳамжиҳатлиги, воситасида амалга оширилади. Болалар нутқида заифлик, ноаниқлик, овоз аппаратини сиқиб гапириш натижасида хорда бақриб куйлаш нуқсонлари учрайди. Бундай болаларга эътиборни кучайтириш ва улар билан узоқ вақт якка тарзда олиб бориш, шошмасдан эркин гапириш ва куйлашга ундаш лозим. Нафасни тўғри олиб, жумлани охиригача етказишда, унли товушларни чўзиб, ундош товушларни бурро, дона-дона қилиб куйлашга ўргатиб бориш талаб этилади. Бунда оғиз шаклини, тилни ҳаракатларига, ўзгаришига катта аҳамият бериш керак. Энг муҳими, болаларни машқ ва кўшиқлар матнини вокал услубларига мувофиқ, талаффуз этишга ўргатиб бориш лозим.

Болалар овозига хос хусусиятларни муваффақиятли шакллантириш учун хор ва вокал малакаларини шакллантиришнинг профессионал йўл-йўриқларига бевосита мурожаат қилишга тўғри келади.

Вокал малакаларини шакллантиришнинг муҳим йўли бу куйлаш учун олинадиган нафасни тўғри олишдан бошланади. Ўқувчилар одатда куйлаш учун елкаларини ва кўкрак қафасини юқори кўтариб, нафас олишни тўғри йўл деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, улар олинган нафасни тез чиқариб юборадилар ва қолган нафас орқали зўриқиб куйлашга одатланган бўладилар.

Муסיқа ўқитувчисининг биринчи навбатдаги вазифаси куйлаш учун олинадиган нафасни ўқувчиларнинг тўғри олишларига одатлантиришдан иборат бўлади.

Олинган нафасни тўғри сарфлаш учун ўқувчилар куйланадиган фразани ҳисобга олишлари лозим бўлади. Нафас овоз пардаларини эркин тебратиб, оғиз коми томонга йўналтирилади. Нафасни томоқда қисиб бўғин овоз ҳосил қилишдан сақланиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Нафасни куйлаш учун йўналтиришнинг муҳим жиҳати бу оғиз комида куйланадиган сўзларни шакллантира олишга боғлиқ бўлади. Оғиз комида тишлар, лаблар, тил тангли орқали унли ва ундошларни тўғри талаффуз қилиш жараёни ҳам куйлашда муҳим аҳамият касб этади.

II-БОБ Хор бўлиб куйлаш-ўқувчиларда мусикий маданиятни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари.

2.1. Хор бўлиб куйлашда ўқувчиларда мусикий маданиятни шакллантиришнинг имконияти, шакл ва услублари

Мусикий тарбиянинг муҳим вазифаларини амалга оширишда, ёш авлодни юксак мусикий-эстетик дидини шакллантириш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, ижро маҳоратини юзага келтиришда мусиқа ўқитувчиси алоҳида аҳамият касб этувчи шахс ҳисобланади.

Ўқитувчи зиммасига юкланадиган бундай масъулиятини ҳисобга олган ҳолда мусиқа ўқитувчилари, ўқувчиларнинг профессионал ўқувини такомиллаштириб бориш, хусусан уларнинг куйлаш маҳоратини ўстириб бориш ҳаётий зарурат эканлигини англаб олиш муҳимдир.

Хор бўлиб куйлаш ўқувчиларнинг кўрсатадиган фаоллар турлари ичида кўшиқ ўрганиш ва уни меъёрига етказиб куйлаш уларга алоҳида эмоционал кўтаринкилик ва завқ бағишлайди. Зеро, Д.Б.Кабалевскийнинг таъбирига кўра «Ҳар бир синф - бу хор!, - бу идеал» ҳисобланади. Чунки, хорда куйлаш жараёнида барча ўқувчилар ўз овозини, куйлаш қобилиятини, ҳаётга бўлган ўз муносабатини ошкора намоён қила олади.

Умумтаълим мактабларида бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бераётган устоз ва мураббийлар кўпроқ қийинчиликни ўз гарданларига оладилар. Сабаби, хали на ёзишни ва на ўқишни билмайдиган, бироқ келажакда буюк инсонлар бўлиб етишиши мумкин бўлган жажжи ўғил-қизларнинг тақдири уларнинг қўлидадир. Шунинг учун ўқувчи ёшларга дарс бериш жараёнимизда ўта сергаклик ва ташаббускорлик билан ишга киришишимиз лозим. Бир кичкина хато ҳам келгусида панд бериши мумкин. Мусиқа маданияти дарсларида хор бўлиб куйлашни ташкил этиш орқали ўқувчиларда эстетик тарбияни шакллантиришда энг аввало кўшиқдан,

қуйдан завқ олишни ўргатиш муҳимдир. Ўқитувчи уларга дарс беришда, ўқувчиларда эстетик тарбияни уйғотишда қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

- болаларда мусиқани севиш, унга ҳавас ва қизиқиш уйғотиш;
- вокал-хор малакалари ҳамда қўшиқ куйлашнинг бошланғич сабоқларини бериб бориш;
- ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш;
- нутқ маданиятига риоя этиш;
- ўқувчиларнинг бадиий дидларини тарбиялаш (кийиниш маданияти, гавдани тик тутиш ҳолатлари).

Ушбу вазифаларни амалга ошириш биринчи синфдан бошлаб, токи юқори синфгача системали равишда давом этиб боради. Хор бўлиб куйлаш дастурига киритилган ашулалар ҳам ўқувчиларнинг ёши ва қизиқиши, мазмунан ранг-баранглиги, қизиқарли оҳангдорлиги билан эстетик маданиятни юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этади. Унда, айниқса она Ватан, гўзал табиатни ифодаловчи, йил фасллари, кушлар ва ҳайвонот олами ҳақидаги лирик рақс ҳазил-мутойиба характеридаги кўплаб қўшиқлар ўқувчи ёшларнинг эстетик завқини ошириби боришга, тарбиявий-маданий вазифаларни уддалашга ва ашула айтишда зарурий малакалар ҳосил қилишга ёрдам беради. Табиат ва йил фасллари ҳақидаги қўшиқларни ўрганиш ва ижро этиш ўқувчиларда ўзига хос катта таассурот қолдиради, уларда табиат гўзаллигига бўлган ижобий муносабатларини шакллантириб боради. Қўшиқларда ифода этилган табиатнинг гўзаллиги, ўзига хос ҳусн чиройи йил фаслларининг такрорланмас хусусиятларини идрок этиш ва ҳис қилиш, мақсадга мувофиқ уюштириб бориладиган қисқа ва қизиқарли суҳбатлар, савол-жавоблар ҳамда табиатни бевосита кузатишлар жараёнида амалга оширилади. Мусиқа ва эстетик маданиятнинг пайдо бўлиши ҳамда шаклланиб боришида тингланаётган ҳар бир асарни ўқувчилар томонидан тўла ўзлаштириб олинишига боғлиқ. Шунда ўқувчи ўқитувчи томонидан берилаётган сабоқ ва тарбия кўникмасини ўзида тўла мужассамлаштиради.

Маълумки, мусиқий тарбия жамият ҳаётининг муҳим қисмидир. У инсон руҳиятига кучли таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, уларнинг ҳис-туйғуларини ўзига хос бадиий тилда ифода этади. Бир сўз билан айтганда айнан хор санъати орқали инсон ҳаётни ўрганади, тасаввури кенгаяди, қадимий урф-одатлар ва миллий анъаналаримизга содиқ бўлишни ўзида шакллантиради, шу билан бирга эстетик ривож топади. Хор бўлиб куйлаш орқали ёшлар халқона миллий кўринишни ўзларида ифодалайди, эркин, мустақил фикрлашга эга бўладилар. Шу боис, хор санъати уларда нафосат ҳиссиётларини ҳам тарбиялаб, уларнинг маънавий, ғоявий ҳамда ахлоқий дунёсини ҳар томонлама такомиллаштириб, олийжаноб фазилатларни камол топтиришда таъсирчан восита сифатида қўлланилади. Ёшларда эстетик тарбияни шакллантиришни равнақ топтириш учун энг аввало педагог кадрларга эътиборни қаратиш зарур. Биз ҳар бир сўзимизда мусиқа инсонни тарбиялайди дея қайта-қайта таъкидлаймиз, бироқ, мусиқани тўла англаган ҳақиқий мутахассисгина ёш авлодга мусиқа сирларини тўғри йўналишда ўргата олади. Тажрибалардан келиб чиқиб жойларга борганимизда мусиқа мутахассислигига эга бўлмаган тажрибасиз ўқитувчиларнинг мусиқа дарсларини бераётганлигига дуч келганмиз. Улар дарс жараёнида ўқувчига нота саводини, мусиқа тинглашни, мусиқага ритмик жўр бўлишни ва мусиқа билан ҳаракатни ўргатиш тугул мавзуда берилган қўшиқни бақир-чақир орқали нотўғри ўргатаётганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Хўш, бола ушбу дарсда қўшиқни тўғри ўргана олмаяпти-ку, қандай қилиб эстетик завқ олсин! Ўқувчиларни кузатганимизда дарсга бефарқ, овози тушса тушмаса қўшиқни ҳиргойи қилишга ҳаракат қилаётганлигини, парталарни чалиб шовқин билан ўтиришини ўзида ҳеч қандай маданият, замонавий усулдаги дарс кўриниши учрамайди. Демак, бундай муаммоларнинг ечими ўз касбий мутахассислигига эга кадрларни жойига қўйишни тўғри режалаштиришдадир. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда Давлат таълим стандартларида педагогларнинг касбий мутахассисликлари бўйича замонавий дарсларни ташкил этишлари белгилаб

кўйилган. Бугунги кунда муסיқий маънавиятимизни ривожлантириш давлатимизнинг бош вазифасига айланиб бормокда. Ёшлар илм-фандан канчалик баҳраманд бўлсалар муסיқа санъатидан ҳам шунчалик озуқа оладилар. Миллий муסיқа орқали уларда ҳар томонлама мукамаллик, шу бирга ҳалоллик, камтарлик, энг асосийси яхшилик ва эзгулик ҳукмрон бўлади. Халқимиз меросининг ноёб намуналаридан фойдаланиш, миллий кадриятларни асраб-авайлаш, тарғиб этиш, халқимиз, айниқса ёшларимизда мустақиллик туйғусини шакллантириш- ёшлар ўртасида эстетик тарбиянинг мукамал бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимиз давомийлигини, уларнинг умуминсоний кадриятлар билан уйғунлашиб бориши тақозо этади.

Бошланғич синфда муסיқа таълимининг асосий пойдевори кўрилади. Бунда биз ўқувчиларни муסיқага бўлган идроки ва муסיқавий қобилиятларига мос миллий ҳамда халқ кўшиқлари, болалар кўшиқлари, жаҳон муסיқий нодир намуналари билан танишадилар, муסיқа идроклари, муסיқа ва унинг ифода воситалари, нота саводи, чолғу асбоблари, муסיқа жанрлари, вокал хор малакасини маълум даражада ўзлаштирадилар. Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг тўғри ва ифодали куйлаш малакалари шаклланади, ҳамда уларнинг тарбиялаб асраш каби ишлар йўлга қўйилади. Вокал хор таълими ва тарбияси жараёнида қуйидаги вазифалар бажарилади: болалар ашула айтиш ҳолатларига хор қондасига, муסיқа тинглашга тўғри куйлашга одатлантирилади.

Ундан ташқари болаларнинг диапазонлари синчиклаб ўрганилади ва тарбиялаб ўстирилади. Юқори овозлар До¹ – Ре² гача паст овозлар Си кичкина Ре² гача, ўқувчилар овозини тарбиялашда овоз малакаларини педагогик жиҳатдан пухта танланган ҳамда йил давомида ишлатиладиган муסיқа саводи, муסיқа жанрлари, муסיқа назариялари, тарихи ва куйлаш малакасини шакллантириб боради.

Болалар овозида товуш ўзининг енгиллиги, тиниқлиги, характерли жарангдошлиги ва нозиклиги билан ажралиб туради. Бошланғич синфларда

вокал машқларини ўстириш учун турли машқларни куйлаш катта аҳамиятга эга. Қўшиқ айтишни ҳар дарсда мунтазам равишда олиб бориши керак. Бу маълум даражада эрталабки жисмоний зарядкага ўхшайди. Эрталабки зарядкани турли машқлари баданни яйратиб, кун бўйи тетиклик хос қилса хор машқлари овозни тобора очиб бориб, бутун дарсни баланд руҳда ўтказди. Шунинг учун дарсни қўшиқ айтиш машқидан бошлаш маъқул. Бу машқ ўқувчиларни маълум даражада активлаштиради,, уларнинг диққатини бир жойга тўплайди, ифодали куйлашга ундайди. Ўқувчиларнинг мусиқа ҳақидаги билим доирасини кенгайтириш ва мусиқа қобилиятларини ривожлантиришда мусиқа тинглаш муҳим роль ўйнайди. Чунки, ўқувчи дарсининг барча элементлари овозларни созлаш, куйлаш, нотага қараб куйлаш, мусиқа билан ҳаракат фаолияти жараёнида ҳам мусиқа тинглаш процесси давом этади. Аммо ўқитувчи ижросида ва грам ёзувда профессионал санъаткорлар ижро этган турли жанр мусиқа асарларини тинглаб идрок этиш билангина ўқувчиларни мусиқанинг сеҳрли оламига олиб кириш мумкин. Бунда биринчи синфдан бошлаб мусиқа асарларининг эмоционал образли мазмуни ва фойдаланилган мусиқанинг ифода воситалари ўртасида узвий алоқани тушунишга ўргатиб бориш зарур. Ўқувчиларнинг мусиқа саводхонлигини оширишда нота саводининг функционал элементлари дарсининг барча жараёнида ўрганилиб борилади. Нотага қараб куйлаш ўқувчиларнинг мусиқа қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантиришда, мусиқанинг ифода воситаларига онгли муносабатда бўлиб, мусиқани бадиий жиҳатдан тўғри ижро этишда муҳим роль ўйнайди. Бошланғич синф ўқувчиларнинг билим ва малакаларига бўлган қуйидаги талабларга амал қилишлари лозим. Ўқувчи ўтилган мусиқа асарларини оҳангидан таниб олиши, уларнинг номлари ва композиторларини билиши керак.

Бир овозда куйлаш устида иш олиб бориш даврдаёқ ўқувчиларни икки овозда куйлашга аста – секин тайёрлаб бориш керак. Оддийдан мураккабга ўтишдек умумий педагогик принцип – икки овозда куйлашга ўргатишнинг

асосий принципини ҳисобланади. Ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб иккинчи синфда дастлабки икки овозли, аммо ниҳоятда оддий машқлар, яъни ҳажм жиҳатидан кичик-кичик, ўрта регистрда куйлаш учун қулай бўлган, лад чегарасидан ташқарига чиқмайдиган мисоллар киритилади. Энг оддий машқларни ҳам, анча мураккаб машқларни ҳам асосан сольфеджио қилиш йўли билан ўрганиш ва куйлаш керак, чунки ноталарни муайян номлари шу ноталарга мос келадиган товушларнинг баландлик ҳолатини ҳам аниқлаб боради. Машқлар доскага ёки махсус плакатларга ёзиб қўйилади.

Куйлашга бошлашдан олдин болалар ноталарни бир неча марта овоз чиқариб ўқишлари, юқориги ва пастки овозларни галма – галл кейин эса икки овозни бир йўла куйлашлари лозим. Агар машқ ҳажми жиҳатидан керак бўлса, ўқитувчи болалар билан бирга ноталарни ўрганиб чиқади, сўнгра уни овозлар бўйича навбатма навбат ва биргаликда қўйилади. Аниқ қўшиқ репертуарини танлаш – ишнинг муҳим ва масъулиятли бир пайтидир, чунки бунда болаларнинг мусиқа ўқувини ўстириш нуқтаи назаридан уларнинг реал имкониятларни ҳисобга олиш зарур. Айниқса бу имконият бошланғич синфларда муҳим даврдир. Бу даврда икки овоз элементи камроқ учрайдиган кичик ҳажмли қўшиқлардан фойдаланилади. Ҳар қайси овознинг оҳанги аниқ равшан, мустақил бўлиши лозим ва босқичма босқич, равон бўлиши маъқул. Пастки овоз куйнинг ширадор, хуноҳанг, яхшт эсда қоладиган ва имкон бориचा мустақил бўлиши айниқса муҳимдир. Юқорида айтиб ўтилганидек, икки овозлилиқ асарларининг бошланғич даврида юқориги ва пастки овозларнинг мелодик йўналмалари ва етарли даражада мустақил бўлган қўшиқлардан фойдаланиш керак. Аммо болалар дастлабки мусиқавий ўсиш даврида ҳар қандай босқичма босқич изчилликни бемалол идрок этаверишмайди. Масалан болалар қўшиқларидаги паралел терциялар шаклида кўпроқ учрайдиган икки овозликнинг дастлабки даврида уларга анча оғирлик қилади. Пастки куйнинг юқориги асосий куй йўлига, юқориги ва пастки овозларнинг ўхшашлиги сабабли машқ қилишда альтлар дискантлар партиясига беихтиёр ўтиб кетади. Ўзбек халқ қўшиқларини

полифоник кўп овозлилар қилиб қайта ишлаш катта имкониятларга эгадир. Шунинг назарда тутиб полифоник хусусиятга эга бўлган икки овозли кўшиқларни етарли даражада репертуарга киритиш керак.

Бу принциплар мусиқага муҳаббатни, мусиқа қобилиятларини ривожлантиришга ҳамда мусиқавий дид ва мусиқа маданиятини тарбиялашга қаратилгандир. Ҳар қандай шароитда ҳам ижрочилик малакасини эгаллаш, асарнинг мусиқавий образ тимсолини яратиш ва очиб беришга қаратилган бадиийлик талабларига бўйсунтириш лозим. Бунда ижрочилик малакасини эгаллаш мусиқавий асарни бадиий ижро этишдек мақсадга эришишда бир восита, қуролдир. Бадиийлик ва техникавийлик ҳисларининг бирлигига ўқувчининг ижодий ташаббускорлиги ва топқирлигини ривожлантириш асосидагина эришиш мумкин. Ўқувчиларнинг мусиқавий қобилиятларини ривожлантирмай туриб, уларнинг мусиқавий маданиятини тарбиялаш мумкин эмас. Болаларнинг бу қобилиятлари фақат мусиқавий фаолият давомидагина ривожланиб боради.

Болалар овозига хос хусусиятларни муваффақиятли шакллантириш учун хор ва вокал малакаларини шакллантиришнинг профессионал йўл-йўриқларига бевосита мурожаат қилишга тўғри келади.

Вокал малакаларини шакллантиришнинг муҳим йўли бу куйлаш учун олинадиган нафасни тўғри олишдан бошланади. Ўқувчилар одатда куйлаш учун елкаларини ва кўкрак қафасини юқори кўтариб, нафас олишни тўғри йўл деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, улар олинган нафасни тез чиқариб юборадилар ва қолган нафас орқали зўриқиб куйлашга одатланган бўладилар.

Мусиқа ўқитувчисининг биринчи навбатдаги вазифаси куйлаш учун олинадиган нафасни ўқувчиларнинг тўғри олишларига одатлантиришдан иборат бўлади.

Тўғри нафас олиш учун қуйидаги шартларга амал қилиш лозим бўлади:

1. Нафасни олаётганда елкани кўтармасликка одатланиш.

2. Нафасни фақат бурун орқали эмас, балки қисман оғиз орқали ҳам олиш.

3. Нафасни хаддан ташқари, тикилиб қоладиган даражада кўп олмаслик.

4. Нафасни мусиқа фразасига мўлжаллаб ола билиш.

5. Нафас асосан қорин бўшлиғига олиш.

6. Нафасни тўхтата олиш.

7. Олинган нафасни расаматли, тежамли сарфлай олиш.

8. Нафасни синфдошлари билан бирдай ола билиш ва уни бирдай сарфлай бошлаш.

Олинган нафасни тўғри сарфлаш учун ўқувчилар куйланадиган фразани ҳисобга олишлари лозим бўлади. Нафас овоз пардаларини эркин тебратиб, оғиз коми томонга йўналтирилади. Нафасни томоқда қисиб бўғин овоз ҳосил қилишдан сақланиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Нафасни куйлаш учун йўналтиришнинг муҳим жиҳати бу оғиз комида куйланадиган сўзларни шакллантира олишга боғлиқ бўлади. Оғиз комида тишлар, лаблар, тил тангли орқали унли ва ундошларни тўғри талаффуз қилиш жараёни ҳам куйлашда муҳим аҳамият касб этади. Бунда овоз ҳосил қилишда муҳим бўлган қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш тавсия этилади:

1. Унлиларни чўзиб куйлаш, овоз ҳосил қилишнинг муҳим томони эканлигини билиш.

2. Ундошлар қисқа ва кескин талаффуз қилишда.

3. Сўзларни оғиз комида айлантириб тўғри шакллантира олиш.

4. Нафасни товуш парвозини таъминлаш ҳолда эркин парвоз қилдиришга одатланиш ва ҳоказо.

Ўқувчиларининг куйлаш малакаларини ривожлантиришда мусиқа дарсига хос фаолият турларидан бири бўлган жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш муҳим ўрин тутди. Жамоали куйлаш жараёнида барча ўқувчилар бирдан куйлаш имкониятига эга бўладилар. Бу эса ўқувчиларга олам жаҳон завқ бағишлайди. Барча синфдошлари билан биргаликда ҳамжиҳат бўлиб

куйлаганларида ўқувчилар бу бирлашишда қанчалик катта куч борлигини чуқур ҳис қиладилар. Зеро, хор жамоасида қўшиқ куйлаш барча ёшдаги кишилар учун ҳам завқ бағишлай олади.

Болаларнинг овозини вояга етказиш учун тайёргарлик кўникмаларини ҳосил этиш фақат қўшиқлар билангина эмас, балки махсус машқлар орқали ҳам амалга оширилади. Педагогик тажрибалардан маълумки, вокал-хор машқлари хонандаларнинг ашула айтиш маҳоратларини тарбиялашга ёрдам беради.

Бу машқлар хор раҳбари томонидан узлуксиз равишда ўтказилади, машғулот ўтказиш вақти раҳбар томонидан белгиланади. Бундай вокал-хор уюшмаси ижрочилик маҳорати, унинг тайёргарлиги ҳамда вокал техник даражасини қай ҳолатда эканлиги муҳим бўлиб, машқлар 10-15 дақиқадан то 20 дақиқача давом этади.

Машқлар турли мақсадларни кўзлайди: овозни шакллантириш, диапазон (овоз ҳажми)ни кенгайтириш, нафас олиш йўллари тўғрилаш, соф талаффуз, овоз регистрлари чегарасини текислаш, эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва бошқалар.

Бу машқлар хонандаларнинг ижрода вокал–техник усулларини ўзлаштириб олишга ёрдам беради.

Одатда, машғулотлар оддий машқлардан бошланади. Ижро этиладиган машқлар диапазони терция, кварта ёки квинта интерваллар доирасида қулай тесситура, ўртача тезлик ва динамик тусларда **mf** ижро этилади.

Шу йўсинда вокал техник машқлар мураккаблашиб, бир овозли машқлардан икки овозликка, сўнгра полифоник ва гомофоник улубида ёзилган машқларга ўтилади. Машқларни вокал-хор регистрининг ўрта товушларидан бошлаш тавсия этилади. Бунда ижро майин, енгил, нафас олиш йўллари эса эркин ҳолда бўлиши керак. Машғулот давомида хонандаларнинг овоз йўллари билан эшитиш қобилиятини ривожлантиришга аҳамият бериш керак. Агар ижрода оҳангдорлик бузилса, у ҳолда раҳбар бунинг сабабини аниқлаши лозим. Бу нуқсонни бартараф этиш учун соф

товуш таратадиган жойларни паст товуш билан қулай регистрда, баъзан сўзсиз ижро эттириши лозим.

Ўқувчиларда соф товуш таратиш қоидалари қуйидаги ҳолатларда бузилади:

- а) ўқувчилар товушларнинг баланд-пастлигини илғаб ололмаганда;
- б) ўқувчилар нафас олиш қоидаларига риоя қилмаганларида;
- в) ўқувчиларнинг эшитиш қобилиятлари яхши ривожланмаган бўлса;
- г) ўқувчиларнинг товуш чиқариш йўллари хасталанганда ва чарчаган ҳолатида;
- д) талаффуз қўпол ишлатилганда.

Бундай ҳолатларда хонандалар билан 10-15 дақиқа яқка тарзда машғулот ўтказилса ижобий натижага эришиш мумкин. Бу машғулотларнинг услубиёти қуйидаги ишлардан иборат:


Биринчи навбатда хонанда овозининг диапазонида соф ижро этадиган товушларни аниқлаш керак. Аста-секин соф мусиқий талаффуздаги товушларга ёнидаги товушлар қўшилади. Бола уларнинг тўғри эшитиш ҳамда уни овози билан аниқ такрорлаб баён қилиш керак. Шу йўсинда унинг товуш диапазони кенгаяди ва соф куйлаш кўникмалари ҳосил бўлади.

Мусиқий талаффузнинг софлиги регистр қулайлигига ҳам боғлиқ: юқори регистрда ўрта регистрга кўра товушларни мусиқий талаффуз этиш анча мураккаб ҳисобланади. Шу сабабли юқори регистрдаги мураккаб жойларни машғулот давомида бир октава паст ижро этиб мусиқий талаффуз софлигига эришиш мумкин. Соф мусиқий талаффузга эришишга қуйидаги усуллар ёрдам беради: **mp** майин ва оҳиста товушда ижро; ёпиқ оғиз билан ижро; “у” унли товуш билан ижро; жўрсиз ижро.


Юқорида келтирилган ижро кўникмалари асосида асар устида ишлаш жараёнида дастурдаги мусиқа материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

1. Машқлар шошилмасдан, чўзиқ, бир нафасда ижро этилади. Охирги товуш занжирсимон нафасда чўзилиб турилади ва хормейстер ишорасига караб тўхтатилади.


Турли унли товушлардан иборат бўғинлар бир хил ва юқори позицияда жаранглашини кузатиш лозим.




2. Бир товушдан мусиқий талаффузнинг аниқлигини яхшилаш учун мўлжалланган машқлар товушни чўзиқлиги ва енгиллигини таъмин этади.



3. Занжирсимон нафас олиш усулини пайдо қилиш учун машқлар. Машқлар ёпиқ ва турлича унли товушлар билан бажарилади. Раҳбар ўз истаги билан товуш кучини ўзгартириши мумкин. Масалан:



4. Кенг нафасни ривожлантириш, жағ машқларини юмшатиш, «и», «я» товушлари каби унлиларни тўғри шаклланиши учун машқлар.






5. Кенг нафасни ривожлантириш учун машқлар.

До мажор гаммасини юқоридан пастга ижро этиш. Асоси «До» тони янги товуш билан алмаштириш раҳбарга юқори позициядаги кўникмаларни ўргатишда ёрдам беради. Юқори товуш ўз навбатида паст товуш сингари бир нафасда ижро этилмайди.

Бу ўринда пастки регистрдан товушни юқори позицияда мусикий талаффуз билан ижро этиш керак. Бунда куйи пардани юқори позицияда ижро этиш билан таъминланади.



6. Куйлаш вақтида $\angle$ ва $\triangleright$ кўникмаларнинг алмашуви хонандалар овозининг равонлиги, ҳаракатчанлиги ва енгиллигини уйғунлашувига ёрдам беради. Саккизталиқ ноталарни *staccato* кўникмалари билан ижро этганда нафас текис бўлиши лозим.



7. Кенг нафасни ривожлантириш ва мусиқий талаффузнинг софлигини яхшилаш учун машқлар.


Икки қисмдан иборат машқ: МА, МО, МИ ва МЭ, МУ, МА бир нафасда ижро этилади.



8. Машқни аввало секин темпда ижро этиш керак. Қачонки, ижро мустақил бўлганда, темпни аста-секин тезлатиш мумкин. Машқ ижроси хор овозининг енгил бўлишига, мусиқий талаффузнинг софлигига ёрдам беради. Бунда, саккизталиқ ноталар *staccato* услубида бир нафасда ижро этилиши керак.



9. Мусиқий талаффузни ривожлантириш учун машқлар.



10. Кичик секунда интервалининг софлигини яхшилаш учун машқлар.

Бу машқни юқори позицияда бир нафасда ижро этиш керак.

лѐ - лѐ - лѐ, лѐ - лѐ - лѐ, лѐ - лѐ - лѐ, лѐ - лѐ - лѐ, лѐ - лѐ - лѐ, лѐ - лѐ - лѐ, лѐ - лѐ - лѐ, лѐ
 ля - ля - ля, ля - ля - ля, ля - ля - ля, ля - ля - ля, ля - ля - ля, ля - ля - ля, ля - ля - ля, ля
 лю - лю - лю, лю - лю - лю, лю - лю - лю, лю - лю - лю, лю - лю - лю, лю - лю - лю, лю - лю - лю, лю

до - - ре - - ре - - ми - - ми - - фа - - соль - - соль
 на -
 нэ -
 ну -

11. Товуш ҳажмини кенгайтириш учун машқлар. Бу машқ бир нафасда юқори ҳолатда ижро этилади.

ма-ма-ма-ма-ма-ма-ма-ма ма мЭ-мЭ-мЭ- мЭ-мЭ - мЭ -мЭ -мЭ ми-ми-ми-ми-ми-ми- ми- ми

мо-мо - мо - мо - мо - мо -мо -мо му - му - му - му - му - му - му - му ма

12. Икки ва ундан ортик овозда ижро этиш кўникмаларини ҳосил қилиш учун машқлар.

С.Т.
А.Б.

С
А
Т
Б

2.2. Синфдан ва мактабдан ташқари мусикий тадбирларда хор бўлиб куйлаш - ўқувчиларда мусикий маданиятнинг шаклланишида ёрдамчи восита сифатида.нинг аҳамияти

Умумий таълим мактабларида болаларга бериладиган мусиқа тарбияси фақат ашула дарслари билангина чекланиб қолмаслиги керак. Синфдан ташқари мусиқа тарбияси ишини яхши йўлга қўйиш, айниқса хор жамоаларини тўғри ташкил этиш жуда муҳимдир. Чунки синфдаи ташқари мусиқа машғулоти ўқувчиларнинг бадиий дидини ўстиради, уларнинг эстетик тарбиясини такомиллаштириб, чуқурлаштира боради, уларни классик мусиқа ва халқ ижодининг энг яхши намуналари билан таништиради.

Ўзбекистондаги бир қанча умумий таълим мактаблари маълум даражада синфдан ташқари мусиқа тарбияси ишларини олиб бориб, болалар бадиий ҳаваскорлик кўрикларида хор жамоаларини кўрсатиб келмоқда.

Хор — яхши уюштирилган ва тартибга солинган хушовоз жамоадир. Бу жамоа хор асарларини уйғунлик билан, тўғри ва бадиий ижро этиш қобилиятига эга бўлади. Лекин мактаб хор жамоалари кўпинча тасодикий равишда тузилади; улар болалар бадиий ҳаваскорлиги кўрикларини ўтказишдан бирмунча олдин, баъзан бир-икки ой аввал пайдо бўлиб, кўриклар ўтказилгандан кейин дарҳол тарқалиб кетишади.

Яна, хорда қатнашадиган болаларнинг мусиқа қобилияти ва хорда қўшиқ айтиш хоҳиши бор-йўқлигига қарамасдан, хор қатнашчиларининг сонини кўпайтириш пайига тушиб қолишдек нотўғри интилиш ҳам кўзга ташланади.

Мактаб хор жамоасининг муваффақиятли ишлаши учун биринчи энг муҳим объектив шарт — хорнинг муайян мақсадни кўзлаб мунтазам ва режали равишда ишлашидир. Яхши хор жамоаси — мактабнинг хусни, шарафи ва ифтихоридир. Бундай жамоа — ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, баркамол авлодни маънавий онглилик руҳида

тарбиялаш ишига, уларни ҳар ёқлама гармоник камол топтира бориш ишига тўғри муносабатда бўлишлари воситасидир.

Мактаб хор жамоаининг муваффақиятли ишлаши учун иккинчи объектив шарт — ўқувчиларни ёшларига қараб хорга тўғри қабул қилишдир. Масалан, 8—9 яшар болаларнинг овоз диапазони октавага яқин. 12—13 яшар болаларнинг овоз диапазони эса бир ярим октавага яқин бўлади. Ёшга қараб болаларнинг иш қобилияти ва овоз аппаратларининг чидамлик даражаси ҳам турличадир. Кичик ёшдаги болаларнинг иш қобилияти ўрта ёшдаги болаларникига қараганда заифроқ бўлади, овоз аппаратлари эса тез чарчаб қолади. Бундан ташқари, болаларнинг қизиқиш-ҳаваслари ҳам хилма-хилдир. Чунончи, кичик ёшдаги болалар куёнчалар, қушчалар ҳақидаги қўшиқларни жон-дилдан айтишса, ўрта ёшдаги болаларни кенгроқ мавзулар қизиқтиради;

Мактаб болалар хорининг муайян турлари мавжуд; улар болаларнинг ёш хусусиятларига қараб белгиланади:

1. Кичик ёшдаги ўқувчи болалар хори ёки кичик ёшдаги болалар хори. Бу хор 3 ва 4-синфлардаги ўғил ва қиз болалардан ташкил топади. Бунга қисман 2-синфлардаги мусиқа ва ашулага қобилиятли бўлган болаларни киритиш мумкин.

2. Ўрта ёшдаги ўқувчи болалар хори ёки катта болалар хори. Бу хор 5, 6-синф ўқувчиларини бирлаштиради ҳамда ўғил ва қиз болалардан иборат бўлади.

3. Ўғил болалар хори. Бу хор 3, 4, 5, 6 ва қисман 7-синф ўқувчиларидан ташкил топади. Бунга қисман 2-синфлардаги мусиқа ва ашулага қобилиятли бўлган баъзи ўғил болаларни киритиш мумкин. Бу хорнинг тайёрлов гуруҳига 2 ва қисман 1-синфларнинг ўғил болалари киради.

4. Ёшлар хори. Бу хор 4, 5, 6-синфлардаги ўқувчилардан ташкил топади ҳамда ўғил ва қиз болаларни ўз ичига олади.

5. Катта ёшдаги ўқувчи қизлар хори. Бу хор 7, 8, ва 9-синф қизларидан ташкил топади.

6. Ўғил болалар ва йигитларнинг аралаш хори. Бу хор 8 ва 9-синфлардаги йигитларни, 4, 5, 6 ҳамда қисман 3 ва 7-синфлардаги ўғил болаларни бирлаштиради.

Хор типларини танлаш мактабда мавжуд шароитга боғлиқдир.

Бир мактабда ўғил болалар хори тузиш мумкин бўлса, яна бирида ўғил ва қиз болаларнинг қўшма хорини уюштириш мумкин.

Мактаб хор жамоасининг муваффақиятли ишлаши учун учинчи объектив шарт — болаларни мусиқа ва овоз қобилиятларига қараб танлашдан иборат. Мусиқага қобилиятли ва соғлом оҳангдор овоз аппаратиغا эга бўлган болаларгина хор жамоасига қабул қилинмоғи мумкин.

Мактаб болалар хор жамоаларининг турли типларига болаларни танлаш умумий ягона принцип асосида ўтказилади. Олдиндан тайёрлаб қўйиладиган анкеталарга болаларнинг мусиқа ва овоз қобилиятига оид маълумот ёзиб қўйилади.

Ҳар бир боланинг овози якка-якка тартибда тингланади. Ҳар бир ўқувчига биронта таниш қўшиқни айтиш таклиф этилади. Сўнгра хор раҳбари (хормейстер) ҳар бир боланинг мусиқа ўқуви, мусиқа хотираси ва ритм туйғусини изчиллик билан текшириб кўради. Мусиқа ўқувини айрим товушлар устида синаб кўрилади, бу товушларни болалар ўз овозлари билан айтиб такрорлайдилар. Бундай товушлар куйлашга албатта қулай регистрда бўлмоғи лозим. Агар бола шу товушларни чолғу асбобидан кейин такрорлай олмаса, уларни хормейстернинг ўзи айтиб кўрсатиши мумкин.

Дастлаб бир лад (парда)да жойлашган, сакровсиз, текис товушларни айтишни таклиф этиш керак. Болалар буни уддалайдиган бўлсалар, топшириқни мураккаблаштириш мумкин. Бундай ҳолда бир-биридан кенгрок интервалларда жойлашган товушлар берилади.

Мактаб хор жамоасининг муваффақиятли ишлаши учун тўртинчи объектив шарт – хор машғулотларини қулай жойда ўтказишдир. Хулоса қилиб айтганда, мактабда хор жамоаси билан ишлашда чолғу асбоби жўрнавозлигида ёки жўрнавозсиз ижро этиш учун мўлжалланган асарларда

алоҳида эътибор қилиш лозим. Чунки мусиқа жўрнавозлигисиз ижро этиш юқори шаклда бўлишига, мусикавий жиҳатдан тобора камол топишига ва вокал-хор малакаларини ҳосил қилишда ёрдам беради. Хор тўғарагининг ишини кучайтириш ва қобилиятли болаларни унга жалб этиш учун шу тўғарак қатнашчиларидан турли вокал ансамбллар тузиш керак. Шунингдек, ашулага яхши қобилиятли болалар бўлса, яккахонлар билан машғулотлар ўтказиб туриш зарур.

Хор жамоасининг ижодий фаолиятини кўрсатиш учун ташкил этилган концерт ишларга яқун бўлибгина қолмай, ўзига хос имтиҳон вазифасини ўтайди. Вокал–хор гуруҳларининг ҳар бир саҳнага чиқиши ўзига хос имтиҳон бўлиши билан бирга, айна пайтда қатнашчиларга байрамона кайфият ҳам бағишлайди. Бундай концерт чиқишлар хонандаларнинг хотирасида узоқ вақтгача сақланиб қолади.

Ҳар бир концертдан олдин, хоҳ у биринчи ёки ўнинчи марта бўлсин, албатта хонандалар билан тарбиявий ишлар ўтказиш лозим. Уларга ижрочидан талаб қилинувчи саҳнанинг маълум қонун қоидалари тушунтирилади. Хонандалар саҳнада ўзлари ижро этаётган асарларининг бадиий мазмунини, ички дунёсини буткул салоҳияти ва имкониятлари билан тўла–тўқис ҳис этишлари лозим.

Машғулотда саҳна билан боғлиқ ташкилий жиҳатлар ўрганилади.

Масалан: саҳнага тартиб билан чиройли юриб чиқиш ҳолатлари ва асарни ижро этиб бўлгандан сўнг саҳнани тарк этиш қоидалари амалий ўзлаштирилади.

Сўнгги машғулотда концерт дастури буткул ижро этиш билан вокал-хор жамоаси фаолиятида маъсулиятли давр бошланади. Машғулот худди концерт вақтида бўлганидек, хор қатнашчиларининг тик турган ҳолатида ўтказилади. Сўнгги машғулотда жамоа ижрочиларининг ҳам жисмоний, ҳам руҳий толиқиб қолмасликларига эътиборни қаратиш лозим. Бинобарин, айрим асарлар, тўла ўрганилмаган бўлса, яхшиси уларни концерт дастурига киритиш тавсия этилмайди. Сўнгги дақиқаларгача асар устида ишлаш

ижрочиларда фақат ишончсизлик туғдиради ҳолос. Натижада концертларда умумий ижро сифати пасаяди.

Концерт бўладиган кун хор қатнашчилари бир соат илгари чақирилади. Хор раҳбари, жўрнавоз, хор фаоллари ва бошқа махсус тайинланган навбатчилар концерт майдонини тайёрлаш учун яна ҳам илгарироқ келишади. Концерт олдидан зал шароитларини, акс-садони, чолғу асбобларини тайёргарлигини текшириб чиқиш керак. Зарур ташкилий тадбирларни қўллаш талаб этилади. Ҳар бир хор қатнашчисининг ташқи кўриниши ва либослари текширилади.

Концерт бошланишидан 15-20 минут аввал асарнинг айрим парчаларини қайтариш, овозни созлаш муҳим аҳамият касб этади. Асарни тўлалигича ижро этиш тавсия этилмайди. Бу нарсa хонандалар эътиборини жалбитади ва ижрочилик сифатини пайсайтиради.

Вокал–хор жамоа концертининг муваффақияти кўпроқ дирижёрнинг ҳаракатларига, унинг ижрочи болаларда ижодий руҳланиш туғдира олишига боғлиқ. Айни пайтда хонандаларнинг шундай тарбиялаш керакки, концерт қанчалик ҳаяжонли бўлмасин, ашула айтиш пайтида улар ўзларини назорат қила билсинлар.

Концертгача анчагина машғулот қолдирган ижрочи концертга кўйилмайди. Саҳнага чиқиш талабчанлик касб этиб, мунтазам равишда ижодий изланиш ва қатъий интизом билан ишлаш лозим.

Ҳолбуки, концерт дастури билан чиқиш хор жамоаси фаолиятида маъсулиятли даврдир. Айниқса, биринчи концерт жамоа зиммасига катта маъсулият юклайди. Зеро, муваффақият қозониш унинг келгуси парвозларига қанот бағишлайди, муваффақиятсизлик эса салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу туфайли жамоа ўзининг дастлабки концертига жиддий муносабатда бўлиши лозим. Биринчи концерт хор ташкил этилгандан кейин агар жиддий меҳнат қилинса, уч-тўрт ойдан сўнг ўтказилиши тавсия этилади. Биринчи саҳнавий чиқишга хорнинг концерт дастури маданият саройи раҳбарияти ва бадиий кенгаш томонидан эшитиб кўрилган бўлиши керак.

Умуман концерт дастурларини эшитиб кўриш мунтазам давом эттирилиши лозим. Бу жамоа ишига жиддийлик бахш этади, хонандаларнинг ҳам шунингдек, раҳбарнинг ҳам масъулиятини оширади.

Хор жамоасининг ҳар бир концерти сахнавий чиқишдан сўнг пухта таҳлил қилинади. Жамоа ижрочилари концерт давомида қайси томонларини намоён эта оладилар ёки қандай камчиликларга йўл қўйганликлари тўғрисида суҳбатлар ўтказди. Албатта, концерт қатнашчиларининг муваффақиятларини бир оз бўрттириброк кўрсатиш ҳам баъзи ҳолларда кўзланган натижа бериши мумкин. Бу нарса уларнинг кейинги концертларга руҳлантиради. Бўш томонлари эса, ётиғи билан жамоа иштирокчиларига кўнгли қолмайдиган тарзда тушунтирилади. Концерт пайтида хорнинг ташқи кўриниши муҳим аҳамиятга эга. Хор қатнашчилари концерт либосига мос даражада (кўйлак, оёқ кийим, шим) кийинганларидагина чиройли, концертга мос байрамона ва тантанали кўринишга эга бўладилар. Хонандаларнинг ҳаммасида концерт либослари бўлишини, уларни сақлашни қандай ташкил этиш мумкин? Бу масалалар хор раҳбарининг имкониятларидан, муассаса шароитларидан келиб чиқиб ҳал этилади.

ХУЛОСА

Мустақиллигимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашда, Ўзбекистоннинг буюк давлатга айланишида, таълим-тарбия ишларининг тўғри йўлга қўйилиши долзарб вазифалардан биридир. Ўқувчиларни маданият ва маънавият ютуқлари билан таништириб бориш бениҳоят катта аҳамиятга эга. Чунки илм-фан, маданият ва маънавият, ҳар қандай мамлакат ва халқни юксакликка кўтаради, унинг тараққиётини таъминлайди, келажагини олдиндан кўрсатиб беради. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг асарларида ва нутқларида, ўқувчиларни маънавий-ахлоқий томондан камол топтириш масалаларига катта аҳамият берилган.

Хор санъати ўз табиатига кўра санъат дарсидир. Уни ранг-баранг, сермазмун ва қизиқарли ташкил қилиш ҳар бир ўқитувчидан катта педагогик ва профессионал маҳорат талаб этади. “Болаларни санъатга ўргатиш ниҳоятда мураккаб,-деб таъкидлайди таниқли композитор Д.Б.Кабалевский, - ҳамма мураккаблик шундаки, уларни эмоционал тарзда қизиқтирмай туриб чинакам санъатга ўргатиш мутлақо мумкин эмас”.

Бу ўринда хор машғулотлари жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга молик. Муסיқани тушуниш, унинг оромбахш таъсиридан баҳраманд бўлиш билим, малака ва кўникмалар қатори эмоционал ҳис-туйғуларнинг иштирокига ҳам боғлиқ. Асарни ижро ва идрок этишда ҳис-туйғулар қанчалик фаол ва чуқур бўлса, уларни тушуниш ва ўзлаштириш, тўйиниш ва завқ олиш ҳам шунчалик онгли ва чуқур бўлади. Бу ҳолатлар эса ўз ўрнида ижодий фаоллик натижасида содир бўладиган жараёндир. Зеро зерикарли ва сокинлик ҳолати синфда жонли ҳиссиёт ҳолатини ташкил эта олмайди. Ўқувчиларни хор санъатига қизиқтириш биринчи навбатда тинглаш ва ижро этиш учун танланадиган асарлар репертуари билан боғлиқ. Бошланғич синфлар учун танланадиган асарлар репертуарининг асосий мезони ўқувчиларнинг ёшларга, қизиқишлари, билим

ва кўникмалар даражасига мос бўлиш, тематиканинг ранг-баранглиги, ғоявий-бадий сифати ҳамда педагогик қиммати билан белгиланади. Ҳар бир дарсда ижодий фаоллик юзага келади. Ўқувчиларни хор санъатига қизиқтириш дарсларни нақадар қизиқарли, мазмунли, тушунарли ва қолаверса материалларнинг ранг-баранг бўлишлигига боғлиқдир. Мусиқа асарлари, ранг-баранг кўргазмали қуроллар, мусиқа ҳақидаги қизиқарли факт ва маълумотларга бой бўлган, бошидан охиригача суст бўлмаган суръатда ташкил қилинадиган хор дарслари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.” – Ислон Каримов.

Ҳозирги давр дунёдаги ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир.

Шунинг учун ҳам ёш авлодни миллий онг ва миллий мафкура руҳида тарбиялаш ишига барча воситалар ишга солинмоқда.

Шу мақсадда Республикамизда фаолият кўрсатаётган умумтаълим мактабларида Давлат таълим стандартлари бўйича иш олиб борилмоқда. Агар биз, баркамол инсон тарбиясини асосий масала деб қарайдиган бўлсак, дарсда “ Хор бўлиб куйлаш” жараёнини талаб даражасида ташкил қилишимиз зарур. Хор бўлиб куйлаш жараёнига эътибор беришнинг муҳимлиги қуйидагилардан иборат:

1. Ўқувчида мусиқий ўқув қобилият ҳамда ижрочилик малакалари ривожланади;
2. Ўқувчида “ мусиқий дид” маданияти ортади;
3. Мусиқий асардаги турли-туман мусиқий оҳанглар, турли овозларнинг фарқига ета олади;
4. Жамоа бўлиб куйлаганда ўқувчиларнинг мусиқий хотираси ва мусиқий эшитиш қобилияти шаклланиб боради.

Бу жараённинг асосий томони шуки, умумтаълим мактаблари “Муסיқа маданияти” дарсларининг “Хор бўлиб куйлаш” қисмига жуда кенг ўрин берилган, уларни тўлақонли ўтиш жуда муҳимдир. Агар “Муסיқа маданияти” дарсларининг “хор бўлиб куйлаш” жараёни талаб даражасида шакллантирилса, ўқувчиларда муסיқий диднинг шаклланишининг самарадордиги ошади. Шу жараён орқали бизнинг миллий муסיқа бойлигимиз, мумтоз қўшиқ куйларимиз келгуси авлод онгига чуқур сингиб бориши амалга ошади. Энди “хор бўлиб куйлаш” фаолият турини ташкил қилиш учун нималар қилиш керак:

1. Шу фаолиятга доир қўлланмалар яратиш зарур;
2. Ҳар бир хор тури учун репертуар танлаш керак;
3. Синфдан ва мактабдан ташқари бўлиб ўтадиган муסיқий тадбирларда хор жамоасининг чиқишларини кўпроқ ташкил этиш;

Демак “хор бўлиб куйлаш” муסיқий фаолият сифатига катта эътибор берилса, умумтаълим мактаби ўқувчиларида муסיқий диднинг шаклланишининг самардорлиги ошади, Ватанига, халқига бўлган ватанпарварона ҳиссиёти янада ўсиб бораверади.

1-илова**1-соатлик дарс сценарийси**

Мавзу: “ Бизга ватан жон –Ўзбекистон” А.Мансуров мусикаси,
Н.Нарзуллаев шеъри.

Дарснинг мақсади:

-Ўқувчиларга туғилиб ўсган жойига бўлган меҳр – мухаббатини ҳамда мусикий – бадий воситалар орқали ўқувчи ёшларга миллий истиқлол ғоясини сингдириш.

- уларда қўшиқ орқали кўповозли куйлаш малакаларини шакллантириш.
- жамоа бўлиб куйлаш қобилиятларини шакллантириш.
- мусиқа тинглаш орқали ўқувчиларнинг мусикий идрокларини ривожлантириш.

Дарснинг методи: аралаш

Дарснинг жиҳози: 6 – синф мусиқа дарслиги, конспект, фортепиано, плакатлар, расмлар. Мавзуга оид буклетлар, болаларни рағбатлантирувчи карточкалар.

Дарснинг бориши:

Ўқувчилар дарсга кириб келишади, саломлашиб давомат аниқланади.

Ташкилий қисм.

Ўқувчиларни дарс бошлашга тайёрлаш, яъни мусиқа дарсида қандай ўтириш керак эканлигини, куйлаганда гавда қандай ҳолатда туришини эслатиб, уларни тўғри ўтказиб оламиз. Болаларни икки гуруҳга бўламиз.

1. “Миллий ғоя” гуруҳи

2. “Демократиячилар” гуруҳи

Ўқитувчи: Қани болалар, кўрамиз бугун қайси гуруҳ дарсга фаол қатнашиб, кўпроқ рағбат карточкаларини йиғади. Қани энди ҳаммамиз тўғри ўтириб, овоз созлаш машқларини бажарасиз.

Овоз созлаш машқлари:

До, ре, ми, фа, соль, ля, си, до

До, ре, ми, фа, соль, ля, си, до (бир неча бор қайради)

До – до, ре – ре, ми – ми, фа – фа,

соль – соль, ля – ля, си – си, до – до

До – ми – соль – ми до (бир неча марта қайтарилади)

Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш:

Ўқитувчи: Қани энди ўтган кўшиқларимизни бир эслаймиз, уйга берган кўшиқни номи нима эди.

Ўқувчи: “Наврўзим – шўх созим”

Ўқитувчи: Қани энди ҳаммамиз кўшиғимизни бир эслаб оламиз ва биргаликда кейин якка ҳолда сўрайман.

Кўшиқни сўраб бўлгач. Карточкалар билан рағбатлантирилади. Кейин янги мавзу ўтилади.

Янги мавзу баёни:

Ўқитувчи: Биз сизлар билан бугун янги мавзу ўтамиз. Бугунги мавзуйимиз “Бизга ватан жон - Ўзбекистон” кўшиғи ва янги мавзунини ўтиш билан биргаликда ўтган мавзу юзасидан ҳам савол-жавоб қилиб оламиз.

(Савол ёзилган карточкалар тарқатилади.)

Ўқитувчи: Биз ўтган сафар Михаил Иванович Глинка ҳаёти ва ижодини ўтгандик. Сизлар карточкаларга тайёргарлик кўришингизга қадар мен янги мавзу ҳақида гапириб бераман.

“Бизга ватан жон - Ўзбекистон” деганда аввалом бор ҳаммамизни кўз олдимизга туғилиб ўсган жойимиз келади. Хамма ўз Ватанини севиб – ардоқлаш, унга муносиб фарзанд бўлиб етишиши лозим. Чунки Ватанимиз

бизга тинчликни барча нозу – неъматларни, оппоқ тиниқ сувларини, гўзал табиатини берди.

Бизни ватанимиз Ўзбекистон тўғрими?

Ўқувчилар: Ҳа

Ўқитувчи: Шундай экан, биз Ватанимизни ҳимоялашимиз, унга муносиб фарзандлар бўлишимиз ҳамда Ўзбекистон номини жаҳонга ёйишимиз, кўшиқларимизда уни мадҳ этишимиз лозим. Ватанимиз урф-одатларига ҳурматимизни кўрсатишимиз, ватанимиздан фахрланишимиз керак. Мана бугунги мавзуимиз бўйича ҳам анчагина маълумотга эга бўлдик. Энди эса тарқатилган саволли карточкаларга жавоб берасиз.

Ўқувчилар: Саволга жавоблари.

1. Чет эл композиторларидан санаб беринг? – М. Глинка, В. Моцарт, Л. Бетховен, Ф. Шопен.
2. Ватанни нима учун онага қиёслаймиз? – Чунки она қаби бизни ўз бағрида катта қилганлиги ва нозу-неъматларидан баҳраманд қилгани учун.
3. Комил инсон деганда нимани тушунаси? – Комил инсон одобли ота – онасини ҳурмат қиладиган ва ҳар томонлама етук инсонга айтилади.
4. Бутун нота нечага саналади, дирижёрлик қилиб кўрсатинг.
- Бутун нота 4 и га саналади.

Муסיқа саводи:

-Ўқувчилар бугун биз сизлар дилан дирижёрлик ҳаракатларини ўрганамиз. Дирижёрлик ҳаракати кўрсатилиб, улар ҳаммаси ўрнидан туриб, биргаликда бажаришади.

Янги кўшиқ – “Бизга ватан жон - Ўзбекистон”

Н.Нарзуллаев шеъри, А.Мансуров муסיқаси.

1. Ўлчови - 4/4
2. Темпи – Allegro - (тез)
3. Тоналлилиги – ре мажор
4. Асарда кириш қисми бор.

5. Асарни бошланиши 8 такт мусикий давридан иборат
 6. Асарда бутун, ярим, чоракталик, нота чўзимлари бор
 7. Асарда бутун, чорак паузалар учрайди.
 8. Асар ўртасида тоналлиги ўзгаради.
 9. Асар жами 34 тактдан иборат
 10. Динамик белгилардан : F, лига, mf бор
- Қўшиқ жумлаларга бўлиб ўрганилади.

Мусиқа тинглаш:

Ўқитувчи: Болалар энди ҳаммамиз диққат билан тинглаймиз. Мен сизларга куй чалиб бераман, сизлар эса бу куйни қайси қўшиқдан эканлигини айтиб, нимани тасаввур қилганингизни айтиб берасиз .

“ Пахта ракси” қўшиғи ижро этилди.

Ўқувчилар: Болалар гуллар териб юришибди, баҳор ҳақидаги қўшиқ.

Ўқитувчи: Яхши яна ким айтади.

Ўқувчи: Ёмғир ёғаяпти, шуни тасаввур қилдим,. Ёмғир ҳақидаги қўшиқ.

Ўқитувчи: Бу қўшиқ “Пахта ракси” деб номланади Дилором Омонуллаева мусиқаси, демак далазорларда одамлар пахта тераётгандаги жараёни эслатувчи куй экан.

Дарс якуни:

Ўқитувчи дарсга якун ясаб, фаол қатнашган ёлиб ўқувчиларни рағбатлантириб, уларни баҳолайди. Ёлиб гуруҳни аниқлаб, уларни олқишлайди.

Уйга вазифа:

Ўқитувчи: Ўтилган мавзунини мустахкамлаб, янги қўшиқни ўрганиб келиш.

Дарсимиз тугади. Хайр.

Ўқувчилар: Хайр устоз!

2- илова

Муסיқий тарбиявий тадбир

Мавзу: “ 9 Май-Хотира ва қадрлаш куни! ”

Дарснинг мақсади: Ўқувчи ёшларга хотира – нима ва кадр – нималигини тушунтириб бериш.

Дарснинг мақсади: Ўтиб кетган ота – боболаримизни ҳамда ҳозирги қарияларимизни ҳурмат қилиш ва қадрлашга ўрганади.

Ривожлантириш: Бу байрамни яънада каттароқ – дабдабали ўтказиш ва ҳозирги замон технологияларидан фойдаланган ҳолда яънада қизиқарли қилиб ўтказиш.

Дарснинг методи: аралаш.

Дарснинг жиҳози: Кўргазмали қуроллар, мақол ва ҳикматлар, расмлар, плакатлар, керакли жиҳозлар.

Дарснинг бориши:

Синф хонаси ва ўқувчиларга тадбирга тайёр.

Ўқитувчи: Кўнғироқ чалингач синф хонага кириб келди, ўқувчилар билан саломлашди. Журнални очиб давоматни аниқлади. Ўқувчиларни дарсга ҳозирлаб, бугунги санани, ҳамда бугунги тарбиявий соатимиз мавзусини ёздирди.

Ўқувчиларга ўтиб кетганлар хотираси учун уларни ўрниларидан туришларини сўраб, Ўзбекистон мадҳиясини куйлатди.

Ўқитувчи: Мана бугун Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган кечамизни очик деб эълон қиламиз! Ўтиб кетганларни хотирлаб ва қарияларимизни қадрлаб, бугунги байрамона тадбиримизни бошлаймиз.

Азиз ўқитувчилар, 5 – “Б” синф бугун ўзлари дастур тайёрлаб келишган. Буларни эшитишдан олдин шу мактабимизни бунёд бўлишида катта ҳисса қўшган инсон, 1970-йилдан 2004 йилгача директорлик лавозимида ишлаган Икромов Акром акани бир хотирлаб ўтиб, улар учун 1 дақиқа сукут сақласак, илтимос!

Рахмат, энди навбат 5 “Б” синф ўқувчиларига,

Ўқувчи: “Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аجدодларимизни эслаб, уларни чироғини ёқиб, эзгу ишларни давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир”. – деган эди Президентимиз Ислам Каримов 1999 йил 9 – майда ўтказилган Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимидаги сўзида. Қадрлаш дегани – бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини, мардлик ва шижоат билан химоя қилган фидоий ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир. Ҳаётнинг кўп – кўп синовларини, азоб – уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл – юрт учун, мана шу соф осмонимиз учун жон олиб жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон ота – боболаримизни, олийжаноб инсонларни эъзозлашдир.

Ўқувчи: “Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида, англашни, одамийлик, фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз”. Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган минглаб юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам барчамизга маълум ва ҳеч қачон унутилмайди.

Ўқитувчи: Рахмат, эндиги навбатни шу синф ижросида сахна кўринишитошоша қиламиз. Мустақилликка эришмасимиздан олдин ота – боболаримиз урушга ўз ўғлонларини мана бундай юборган... (Сахна кўриниши).

Ўқувчи: Вой тўхтанглар ўғлимни бермайман, ҳамма кетганларни қорахати келяпти, ўғлимни олиб кетманглар илтимос...!

Ўқитувчи: Ҳозир мустақилликка эришганимиздан сўнг эса мана бундай ҳарбий хизматга жўнатишади.

Ўқувчилар: Болам яхши бориб кел, катта – катта овқатлангин хайр.

Ўқитувчи: Бу бўлган нима демоқчимиз Мустақиллик бизга кўп неъмат берди, тинчлик хотиржамлик берди. Ҳозир сизларга мустақиллигимизга бағишланган шеъримни ўқиб бермоқчиман!

“ Ўзбекистон” М.Юсуф шеъри

Хумо қушларингга тилайман парвоз
 Синмасин хурликни мадҳ айлаган соз
 Истиқлол қўшиғин айлаб сарафроз
 Юксалдинг фаровон Ўзбекистоним
 70 – йил яшадинг дардқаш дил билан
 Тўтидек шивирлаб ўзга тил билан
 Энди бахтиёрсан қўлда гул билан
 Йўлларинг чароғон Ўзбекистоним

Ўқитувчи: Энди эса ҳаммамиз севиб қуйлайдиган, бирга ўрганган, мустақиллик ва дўстликка бағишлаб айтган қўшиғимизни айтамиз.

“ Ўзбекистон дўстлик диёри!”

Н.Нарзуллаев шеъри, А.Мансуров мусиқаси.

Ўқитувчи: Ўзбекистон

Ўқувчилар: Ўзбекистон

Ўқитувчи: Дўстлик диёри

Ўқувчилар: Дўстлик диёри

Ўқитувчи: Ғаниматдир

Ўқувчилар: Ғаниматдир

Ўқитувчи: Ғаниматдир дўстлар дийдори

Ўқувчилар: Ғаниматдир дўстлар дийдори

Накорат

Хамма:

Ранг-барангдир тилларимиз ҳам

Муштаракдир дилларимиз ҳам

Қон қандошлик севги туфайли

Нурафшондир йўлларимиз ҳам

Ўқитувчи:

Дўстим сенинг тилингда недур

Ватан дўстлик тинчлик дегани

Ватан дўстлик тинчлик дегани

Ўқувчилар:

Мазерленд, френшип энд пис

Дўстим сенинг тилингда недур

Ватан дўстлик тинчлик дегани

Ватан дўстлик тинчлик дегани

Ўқитувчи: Хаммага раҳмат, энди ўқувчиларимизни ўзи “Хотира ва Қадрлаш” кунига бағишлаб ёд олиб келган шеърларига навбатни берамиз.

Марҳамат:

Ўқувчилар:

Сен менинг бобомсан хотира, сен менинг момомсан кадр

Бир узун йўлларда ... хотира, бир узун йўлларда ... кадр...

Поезд тайёр жўнамоққа, вокзал тўла йигитга

Бугун она жўнатади ,ўз ўғлини фронтга

Хайр ўғлим чироғим, кўзим – оқу қораси

Билгинки билинади жангларда, мард ўғилнинг сараси

Бошингда порлаган байроқ, бу хурликдан нишона юртим

Умид қилдинг етиб келди, ажойиб бир замон юртим

Қўлингга олиб экингни ,севдинг сарбаланд бўлдинг

Ахил бўлди фарзандларинг, ҳақиқат сен томон юртим.

Ўқитувчи: Хаммангизга раҳмат! Мана бугунги тарбиявий соатимизга якун ясаймиз.

Ҳурматли ўқитувчилар ва ўқувчилар! Бугунги “9 – май Хотира ва Қадрлаш” кунига бағишлаб ўтказилган кечамизни якунлаймиз, барчангизни калбингизда “Хотира ва Қадр” тушунчаси ҳеч қачон сўнмаслигини тилаб қоламан ва сизлар билан хайрлашаман, хайр.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. “ Юксак маънавият-енгилмас куч” Т.,“ Маънавият” 2009 й
2. Каримов И.А.” Баркамол авлод орзуси”
3. Каримов И.А. “ Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” “ Шарқ” Т.,1998 й
- 4.Каримов И.А. “ Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” Т., “Ўзбекистон” 1992 й
5. Ўзбекистон Республикаси “ Таълим тўғрисидаги Қонун” Тошкент шаҳри 1997 йил
6. Абдуллаева Ш. Ибрагимова Қ. “ Педагогика назарияси” Т.” Талқин” 2008 й
7. Асқаров. Ў ва бошқалар “ Педагогика” Т., ” Талқин” 2008 й
8. Бегматов.С ва бошқалар “ Мусиқа” 1-синф учун дарслик. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 2002 й.
9. Бошланғич таълим 2000 й 6-сон
10. Каримова Д. “ Мусикий педагогик маҳорат асослари” Т.,” Иқтисод-молия” 2008 й.
11. Нурматов.Ҳ ва бошқалар “ Мусиқа” 2-синф учун дарслик. Ғ. Ғулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи. Т., 2004 й.
12. Узлуксиз таълим тизимида мусиқа фанлари ўқитиш масаласи ТДПУ. Т., 2009 й.

13. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Т., 2000й.
 14. Мирзаев Қ. “Вокал-хор жамоалари билан ишлаш методикаси” Т., 2010 й.
 15. Мирзаев Қ.Т. “Хор жамоалари билан ишлаш услубиёти”. Ўқув-методик қўлланма. Т., А.Қодирий номидаги ТошДМИ босмахонаси. 2008
 16. Мирзаев Қ.Т. “Болалар хор жамоаси билан ишлаш услубиёти”. Т., ЎзРФААК босмахонаси. 2009 й.
 17. Мирзаев Қ.Т. “Аралаш хор жамоалари билан ишлаш услубиёти”. Т., ЎзРФААК босмахонаси. 2009 й.
 18. Шарипова Г.М. “Муסיқа ўқитиш методикаси” методик қўлланма
 19. Шарафиева Н.С. “Хор синфи”. Муסיқа нашриёти. Т., 2005
 20. Шукуров Ж.Т. Дирижёрлик. “Истиқлол” нашриёти. Т., 2006
 21. Турназаров Н. “Муסיқа ўқитиш методикаси ва мактаб репертуари” Термиз 2006 йил
 22. Халқ таълими 2000 йил 2-сон
 23. Халқ таълими 2001 йил 1-сон
 24. I синф Муסיқа дарслиги- Т.: Шарқ 1999 йил
 25. II синф Муסיқа дарслиги- Т.: Шарқ 1999 йил
 26. III синф Муסיқа дарслиги- Т.: Шарқ 1999 йил
 27. IV синф Муסיқа дарслиги- Т.: Шарқ 1999 йил
 28. V синф Муסיқа дарслиги- Т.: Шарқ 1999 йил
 29. VI синф Муסיқа дарслиги- Т.: Шарқ 1999 йил
 30. VII синф Муסיқа дарслиги- Т.: Шарқ 1999 йил
- <http://www.guldu.uz/>
- <http://www.gduportal.uz/>
- <http://www.ziyonet.uz/>
- <http://www.guldu.zn.uz/>

БУВИЖОНИМ

Д.Омонуллаева мусиқаси
Й. Суюнов шеъри

Andantino

Soli

Ф-но

Мен-га тенг-сиз меҳ-ри-бор,

Сўз-ла-ри-га сеҳ-ри бор. Эр-так ай-тиб тол-май-

ди. Эр-ка-ла-тиб тол-май-ди.

Бу-ви-жо-ним, бу-ви-жон Меҳ-ри-бо-ним бу-ви-жон,

О-на-ги-нам о-на-си-

Шўх за-бо-ним бу-ви — жон.

Менга тенгсиз меҳри бор,
 Сўзларида сеҳри бор.
 Эртас айтиб толмайди,
 Эркалатиб толмайди.

Нақорат:

Бувижоним, бувижон
 Меҳрибоним бувижон,
 Онагинам онаси —
 Шўх забоним бувижон.

Кўролмаса бир куни
 Ухлай олмайди туни.
 Кўнгли соғинч бўлиб,
 Излар парвона бўлиб.

Нақорат:

Бахтимга омон юринг,
 Хушхандон даврон сурунг.
 Кўзингиз намланмасин,
 Дилингиз ғамланмасин.

Нақорат:

ПАХТАОЙ

Ф.Назаров мусиқаси
Т.Илҳомов шеъри

Allegro

Soli

Ф-но

Биз-нинг кумуш пах-та-ой, Да-ла-миз-га сен чи-рой.

Пах-та, пах-та, жон пах-та, Юр-тим сен-га кон пах-та.

Бизнинг кумуш пахтаой,
Даламизга сен чирой.
Тўлиб чиқдинг чаноқга,
Кулиб боқдинг ҳар ёққа

Нақорат:

Пахта, пахта жон пахта,
Юртим сенга кон пахта.

Юлдузлардек сочилиб,
Лўппи — лўппи очилиб,
Ўлкамга файз берасан,
Дилни хушнуд қиласан.

Нақорат:

Пахта, пахта жон пахта,
Юртим сенга кон пахта.

Хирмонингдан тоғ қилдик,
Кўнгилларни чоғ қилдик,
Сен бизнинг ғуруримиз,
Ҳамда меҳнат дуримиз.

Нақорат:

Пахта, пахта жон пахта,
Юртим сенга кон пахта.

ҚУВНОҚЛАР ҚҰШИҒИ

Н.Норхўжаев мусиқаси
П.Мўмин шеъри

Allegretto

Soli

Ф-но

f

mf

Биз — ни дер-лар қув-ноқ — лар, Бир-би-ри-га и-ноқ — лар,

Биз — лар боғ-ча бо-ла — си, Қан-дай ши-рин бу чоғ-лар.

О-ра-миз-да уч-ра — мас, Ла-па-шанг-лар, қўр-қоқ-

69

лар, Қў-ли-миз-да ҳил - ли - рар, Юл - гуз,

ой - ли бай - роқ - лар.

Бизни дерлар қувноқлар,
Бир - бирига иноқлар.
Бизлар боғча боласи,
Қандай ширин бу чоғлар.

Бизлар қўшиқ айтганда,
Тинглар яқин - йироқлар.
Боғчамизда ўйнаймиз,
Дарров келинг ўртоқлар.

Нақорат:

Орамызда учрамас,
Лапашанглар,қўрқоқлар.
Қўлимизда ҳилпирар,
Юлдуз,ойли байроқлар.

Нақорат:

Орамызда учрамас,
Лапашанглар,қўрқоқлар.
Қўлимизда ҳилпирар,
Юлдуз,ойли байроқлар.

КАПАЛАК ВА КАМАЛАК

Н.Норхўжаев мусиқаси
Н.Нарзуллаев шеъри

Soli **Moderato**

Ф-но ***f***

mf

Гул — га қў-ниб ка-па — лак, Қа-нон-ла-рин ўй-на-тар.

Кўк — га чақ-наб ка-ма — лак, Ет-ти ранг-да рақс э-тар,

Ка-па-лак-жон, ка-па - лақ, Сен ҳам мен-дай шўх-ми-сан?

Уй-да ёл-ғиз ўл - ти - риб, Зе-ри- киш- га йўқ-ми-сан?

Гулга қўниб капалак,
Қанотларин ўйнатар.
Кўкда чақнаб камалак,
Етти рангда рақс этар.

Бизни имлаб чорлайди,
Ўз ёнига камалак.
Келинг, бирга учайлик,
Қанот боғлаб, капалак.

Нақорат :

Капалакжон, капалак,
Сен ҳам мендай шўхмисан?
Уйда ёлғиз ўлтириб,
Зерикишга йўқмисан?

Нақорат :

Капалакжон, капалак,
Сен ҳам мендай шўхмисан!
Уйда ёлғиз ўлтириб,
Зерикишга йўқмисан?

Етказайлик самога,
Ердан олиб саломни.
Олқишлайлик чин қалбдан,
Оппоқ тонгни, оламни.

ОНАЖОНИМ*

М. Дадабоев шеъри ва
муסיқаси

Andante

Овоз

Ф-но

mf

mf

О-на-жо-ним, Меҳ-ри-бо-ним.

f(p)

Мен гул бўл-сам, Сиз боғ-бо-ним, Кў-зим о-чиб, Сиз-ни кўр-дим.

f(p)

Сиз ту-фай-ли Ин-сон бўл-дим. Ду-о қи-линг, тез-роқ ў-сай.

f(p)

mf

Тинч-лик у - чун Ҳис-са қў - шай. О - на - жо - ним, Меҳ-ри - бо - ним.

mf

1. Мен гул бўл - сам, Сиз боғ - бо - ним. 2. *rit.* Сиз боғ - бо - ним.

rit.

Онажоним,
Меҳрибоним.
Мен гул бўлсам,
Сиз боғбоним.

Кўзим очиб,
Сизни кўрдим.
Сиз туфайли
Инсон бўлдим.

Дуо қилинг,
Тезроқ ўсай.
Тинчлик учун
Ҳисса қўшай.

* "Онажоним" ва "Ўзбекистон мустақил" қўшиқлари яккаҳон хонанда ҳамда хор жўрлигида ижро этиш учун мўлжалланган.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ

М.Дадабоев шеъри ва
муסיқаси

Allegro

Хор

Ф-но

f

mf

Қан-дай гў-зал

у-луғ кун, Қу-вонч-лар-га тў-лиқ кун.

fp

Яў-раб дўст-лар туну-кун Ўз-бе-кис-тон

fp

мус - та - қил. Яш - на - моқ - да гул - ди - ёр,

Бўл - син сен - га за - фар - ёр, Ке - линг, ай - тай -

лик ал - ёр, Ўз - бе - ки - тон мус - та - қил.

Қандай гўзал улуғ кун,
Қувончларга тўлиқ кун.
Яйраб дўстлар туну - кун
Ўзбекистон мустақил.

Тинч оқмоқда дарёлар,
Бўлмас бизда ғавғолар.
Пучдир барча йғволар,
Ўзбекистон мустақил.

Яшнамоқда гул диёр,
Бўлсин сенга зафар ёр.
Келинг, айтайлик алёр,
Ўзбекистон мустақил.

Энди эркимиз қўлда,
Молу - мулкимиз қўлда.
Бирлашдик биз ҳақ йўлда
Ўзбекистон мустақил.

O'ZBEKISTONIM

*Qambar ota she'ri**L.Mujdaboyeva musiqasi*

Allegro moderato

4

7 Yakkaxon

O - lam - ga har choq, O- chib keng qù-choq, O- chib keng qu-

12

choq, Baxt-li ku- lib boq, O'z-be-kis-to - nim,

17

O'z-be-kis-to - nim, O'z-be-kis-to - nim. O - zod, mus-ta -

22

qil, El-par-var, a - hil, Sa-xiy, o-chiq qo'l,

27

O'z-be-kis-to - nim, O'z-be-kis-to - nim.

31

Olamga har choq,
Ochib keng quchoq,
Ochib keng quchoq,
Baxtli kulib boq,
O'zbekistonim,
O'zbekistonim,
O'zbekistonim.

Naqorat:

Ozod, mustaqil,
Elparvar, ahil,
Saxiy, ochiq qo'l,
O'zbekistonim,
O'zbekistonim.

Madhiyang tilda,
Maqoming dilda.
Bayrog'ing qo'lda,
O'zbekistonim,
O'zbekistonim,
O'zbekistonim.

Naqorat:

O'ZBEKISTON

Q.Ma'mirov she'ri

S.Yudakov musiqasi

Allegro moderato

Bong u - rib yang - ra - di mil - liy is - tiq - lol,

Shon - li yo' l tan - la - dik, kul - di is - tiq - bol.

2

19

Meh-nat - da mar - do - na qud - rat - li xal - qim

23

Za-mon - ning zay - li - dan top - di baxt - iq - bol.

27

Naqarat
Teng-siz kuch - qud - ra - ting O'z - be - kis - ton,

31

Ort-sin shon - shuh - ra - ting O'z - be - kis - ton!

35

O'z - be - kis - ton,

39

ey nur - li ja - hon,

43

Jon - - - - - jon,

4
46

O'z - - - be

kis - - - ton.

rit.

Bong urib yangradi milliy istiqlol,
Shonli yo'l tanladik, kuldi istiqbol.
Mehnatda mardona qudratli xalqim
Zamonning zaylidan topdi baxt-iqbol.

Erk nuri porladi peshonamizda,
Jahonga yuz tutgan koshonamizda.
Qo'llarda hilpirar erk bayrog'imiz
Ajdodlar ramzi bor nishonimizda.

Naqorat:

Tengsiz kuch-qudrating O'zbekiston,
Ortsin shon-shuhrating O'zbekiston!
O'zbekiston, ey nurli jahon,
Jon-jon, bo'l mangu omon!

Ulg'ayib yosh avlod topdi kamolot,
Bellashuv kurashlar berdi dalolat.
O'zbekning borligin tan oldi dunyo,
Xaq topdi haqiqat, tenglik, adolat.

Barq ursin baxt shahru qishloqlaringda,
Serunum dala-qir, o'tloqlaringda.
Avloding yayrasin abadul-abad
Qo'sh daryo qirg'oqli quchoqlaringda.